

Янги йилнингиз кутуб бўлсин!

Азизлар, адолатли, меҳр-оқибатли бўлайлик!



ИШОНЧ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг газетаси

52

1994
йил
31
декабрь
(194)

ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР АСОСИДА

25 декабрь, якшанба... Бу кун мустақил Ўзбекистонимиз тарихида унутилмас саҳифа бўлиб қолади. Чунки, шу кун илк бор мустақиллик шароитида Ўзбекистон Олий Мажлисига ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайлов бўлиб ўтди. Бу сайлов асосий қонунимиз — Конституцияга, Сайлов тўғрисидаги қонунларга қатъий риоя этилган ҳолда кўппартиялик ва демократик тамойиллар, ошкоралик руҳида ўтгани билан ҳам катта сиёсий аҳамиятга эришилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу йилги сайлов илгаригидан фарқли ўлароқ, халқимизнинг сиёсий онги ўсган, ўзининг миллий гуруҳини теран англаган бир вақтда ўтгани билан ҳам муҳимдир. Бу эса сайловнинг кўтаринки руҳида, зўр уюшқоқлик билан ўтишига омил бўлди. Барча фуқаролар сайлов кунини мамлакатимизнинг янги парламенти ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига кўрсатилган муносиб номзодлар учун яқдиллик билан овоз бериб, ўз хоҳиш-иродасини ифода этди.

Шу кун бошқа сайлов округлари ва участкалари қатори Тошкентдаги 29-Бошлиқ сайлов округининг 269-сайлов участкасига ташриф буюрганлар ҳам бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилди. Мазкур участка Маннон Уйгур номидаги Тошкент Давлат санъат институтининг биносига жойлашган. У байрамона безатилган. Бу ерда сайловга ҳамма нарса тахт қилиб қўйилган.

Сайлов участкаси эрта тонгдан сайловчилар билан гавжум бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримов шу кун мазкур сайлов участкасида бўлиб, элимизнинг муносиб фарзандлари учун овоз берди. Сўнгра мамлакатимиз раҳбари сайлов участкаси мутасаддилари, сайловчилар ва меҳмонлар билан суҳбатлашди.

Бу ерда ҳозир бўлган республика ва чет эл мухбирларининг кўплаб саволларига жавоб қайтарди.

— Бугунги сайлов бизнинг халқимиз, жамиятимиз ва давлатимиз учун, унинг порлоқ келажиги учун катта сиёсий аҳамиятга эгадир, — деди Ўзбекистон Президентини. — Чунки, ана шу келажик кўп жиҳатдан ҳозир мамлакатимизда амалга оширилган, оширилаётган ва оширилиши зарур бўлган улкан вазифаларга, уларнинг кўламини, ишларимизнинг пировард натижаларига боғлиқ. Юртимизда моддий фаровонликни таъминлаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, бозор муносабатла-

рига оид қабул қилинган ҳужжатларни ҳаётга тезроқ татбиқ этиш, оддий сўз билан айтганда, халқимизнинг азгу ниятларини тезроқ ва тўла-тўқис рўёбга чиқариш бўлажак депутатларнинг куч-гайратига, фидойилиги ва ватанпарварлигига кўп жиҳатдан боғлиқ, деб ўйлайман. Ишончим комилки, бугунги сайловда халқимиз ўзининг конституциявий ҳуқуқидан тўла фойдаланиб, ана шу улғувор мақсадларнинг амалга оширилиши учун курашадиган ва бу масъулиятли, аммо шарафли йўлда ҳеч қандай қийинчиликлардан қўрқмайдиган муносиб номзодлар учун овоз беради.


Бугунги тарихий воқеанинг улкан аҳамияти яна шундан иборатки, — деди Ислоҳ Каримов, — бизнинг жамиятимизда биринчи марта мана шундай очиқ, демократик талабларга ва жаҳон андозасига жавоб берадиган сайлов бўляпти. Уйлайманки, сайловнинг шундай тарзда ўтказилиши одамларимизнинг сиёсий савиясини, онгини ўстиришда муҳим аҳамият касб этади ва у жаҳон миқёсида Ўзбекистоннинг обрўсини янада оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда рўй бераётган демократик ўзгаришлар, хусусан кўппартияликка асосланган бу сайлов жаҳон ҳамжамиятининг ҳам диққат-эътиборини жалб этди. Мазкур сайлов участкасида кузатувчи сифатида қатнашган Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Генри Лии Кларк сайловнинг аҳамияти тўғрисида гапириб, жумладан бундай деди:

— Мен бу ерга анча барвақт келдим, сайловда кузатувчи сифатида қатнашяпман. Бугунги сайлов мамлакатимизда биринчи марта янги Конституцияга мувофиқ, демократик асосда ўтказилляпти. Бу жуда муҳим. Мазкур сайлов нафақат Ўзбекистонда, балки чет элларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ҳа, бу йилги сайлов ўзининг кўппартиялик ва демократияга асослангани билан бутун жаҳонда юртимиз обрўсини янада оширади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизнинг бошқа жойларидаги каби бу сайлов участкасида ҳам республика Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлигига сайлов зўр уюшқоқлик билан ўтди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎЗА мухбири.



Йилнингиз омадли келсин!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Республика Олий Кенгаши XVI сессияси қарорига биноан 1994 йил 25 декабрь кунини биринчи чакирққ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов бўлди. Сайловни ташкил этиш ва ўтказиш учун 250 округ ва 7202 участка сайлов комиссияси тuzилди.

Сайлов ҳақидаги Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллари органлари Олий Мажлис депутатлигига 634 номзод кўрсатди. Марказий сайлов комиссияси бу номзодларни рўйхатга олди. Жумладан, Халқ демократик партиясидан 243 номзод, "Ватан тараққиёти" партиясидан 141 номзод, ҳокимият вакиллари органларидан 250 номзод кўрсатилди. 139 сайлов округида учтадан, 106 сайлов округида иккитадан, бешта сайлов округида биттадан номзод овозга қўйилди.

11 миллион 250 минг 461 киши сайловчилар рўйхатида киритилди. 10 миллион 528 минг 651 киши ёки сайловчиларнинг 93,6 фоизи овоз беришда иштирок этди. Овоз беришда қатнашган сайловчилар Тошкент шаҳрида 86,2 фоизи; Андижон вилоятида 96 фоизи; Бухоро вилоятида 94,6 фоизи; Жиззах вилоятида 95,2 фоизи; Навоий вилоятида 86,9 фоизи; Наманган вилоятида — 97,2 фоизи; Самарқанд вилоятида — 93,8 фоизи; Сирдарё вилоятида 95 фоизи; Сурхондарё вилоятида 94,4 фоизи; Тошкент вилоятида 89,5 фоизи; Фарғона вилоятида 94,9 фоизи; Хоразм вилоятида 96,9 фоизи; Қашқадарё вилоятида 96,9 фоизи; Қорақалпоғистон Республикасида 96 фоизи ташкил этди.

205 киши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига депутат этиб сайланди. Учтадан номзод биронтаси ҳам сайланмаган 39 сайлов округида сайлов ҳақидаги Қонуннинг 43-моддасига мувофиқ, қайтадан овоз бериш, иккитадан номзод қатнашиб, биронтаси ҳам сайловчиларнинг овозини кўп олмаган олтинта округда эса, қайта сайлов ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ҳамма жойда уюшқоқлик билан, сайлов ҳақидаги Қонун талабларига мувофиқ тарзда, фуқароларнинг юксак фаолиятида ўтди. Сайлов кунини сайлов участкаларида овоз бериш ва овозларни ҳисоблаш пайтида 30 га яқин мамлакат, халқаро ташкилот ва ҳаракатлардан 68 кузатувчи ҳамда "Рейтер" ва "Интерфакс" агентликлари, "Би-Би-Си" радиокорпорацияси, "Останкино" телекомпанияси, "Либерасьон" ва "Нойес цюрхер цайтунг" газеталари сингари хорижий оммавий ахборот воситаларининг 10 нафар вакили ҳозир бўлди. Уларнинг барчаси сайлов жараёни юксак даражада ташкил қилинганини қайд этиб, сайлов қонун талабларига мувофиқ равишда ўтганини тасдиқлашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига рўйхатга олинганлар ҳақидаги ва сайловнинг яқинловчи натижалари ҳақидаги маълумотлар яқин кунларда эълон қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПАСПОРТ ТИЗИМИ Тўғрисидаги Низом"ни АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

"Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, жамоат тартибини ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Фуқаросининг паспортини жорий этиш билан боғлиқ чоратadbирлар тўғрисида" 1992 йил 13 ноябрда чиқарган қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари учун паспортларнинг бланкларини тайёрлаш борасидаги тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом" тасдиқлансин.

3. "Хорижий шахсларга, фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасида яшаш учун гувоҳнома ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси тўғрисидаги Низом" тасдиқлансин.

4. "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом" амалга киритилсин ва 1995 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига паспортлар бериш, шунингдек, босқичма-босқич алмаштириш таъминлансин.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг паспортларини алмаштириш 2000 йилнинг 1 январигача ниҳоясига етказилсин.

Биринчи навбатда 16 ёшга тўлган, мuddати ўтиб кетган паспорти бўлган, фамилияси, исми шарифини ёки миллатини ўзгартирмоқчи бўлган тақдирда, шунингдек, паспортни йўқотган ва чет элга жўнаб кетилмайдиган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспортини бериш кўзда тутилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси фуқароларида бўлган паспортларнинг амал қилиши уларни янги нусхадаги паспортларга алмаштиришнинг бутун даври мобайнида сақлаб қолинсин.

6. "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом"ни амалга киритиш бўйича республика комиссиясининг таркиби тасдиқлансин.

Комиссия зиммасига Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспортларини бериш ва алмаштириш борасидаги барча тезкор ва жорий масалаларни ҳал қилиш вазифаси юклансин.

7. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта мuddат ичда ушбу Фармонини бажариш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 23 декабрь.

БАЙРАМ ТУҲФАЛАРИ

Мустақил ватанимиз келажиги болаларга гамхўрлик қилиш, уларнинг ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб еттиши учун шароит яратиб бериш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишидир.

29 декабрь кунини Тошкентдаги мухташам "Туркистон" саройига пойтахтимиз болалар уйлари тарбияланувчилари, қаровисиз, эҳтиёжманд, ота-онасиз болалар тақдир этилди. Бу ерда хайрли анъанага айланган маросим "Президент арчаси" ўтказилди. Саройда кичиктойларнинг шодон кулгуси, қувноқ қўшиқ ва шеърлари жаранглади.

Республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев болаларга юртбошимиз Ислоҳ Каримов номидан қимматбаҳо совға-саломлар топширди. Совға билан бирга Президентнинг дил сўзлари битилган табриқномалар ҳам тақдим этилди. Уларда азиз фарзандларимизга янги йилда бахт-саодат, ўқишларида янги-янги ютуқлар тиланган.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов иштирок этди.

Сурхондарё вилояти, Қизилқум туманининг Ҳаким Эшонов номидаги чорвачиликка ихтисослашган жамоа хўжалиги меҳнатчилари давлатга ақунланаётган йилда минг тоннадан ортиқ гўшт сотдилар. Улар имкониятларини чамалаб, янги йил дастурхонига яна 300 тонна гўшт етказиб беришга қарор қилдилар.

Келгуси йилда хўжалик фаолияти янада кенгайтириладиган бўлди, янги галлазор майдонлар ҳажми 750 гектарга етказилди. Сугорма ерларда бугдойнинг серҳосил нави етиштирилмоқда. Жамоа хўжалиги галлакорлари кузги бугдойни энг қулай мuddатда экиб, минерал ўғитлар билан озиклантириш ҳисобига ҳосилдорлигини гектарига 45 центнерга етказишни мўлжаллашмоқда.

ХАҚРАТНИНГ МУХИМ ВОҚЕАЛАРИ

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти Ислон Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Маликни қабул қилди. У мамлакатимизда амалга ошириладиган ижтимоий-сиёсий ислохотларга тўхталиб, бу борада БМТ билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

● **ИСЛОМ** Каримовнинг муқобиллик асосида ўтган умумхалқ сайловида Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганига уч йил бўлди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар залида Республика Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси ташаббуси билан сайлов яқунларига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Унда Тошкентдаги хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари, шунингдек, сайлов кампаниясининг боришини кузатиш учун мамлакатимизга келган ҳолис экспертлар, халқаро кузатувчилар қатнашди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси фуқароларига паспортлар, фуқаролиги бўлмаган хорижий шахсларга яшаш гувоҳномалари ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини бериш ҳамда уларни алмаштиришни ташкил этиш тўғрисида” қарор қабул қилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Тошкент уй-жой инвестициялари” “Тошкент молия қурилиш корпорацияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” қарор қабул қилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президентининг Фармонида кўра Наманган вилояти Чортоқ тумани ҳокими Турсунбой Пўлатовга “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи” фахрий унвони берилди.

БАЙРАМ ТАКЛИФНОМАЛАРИ ТАРҚАТИЛДИ

Тошкент вилояти деҳқончилик-саноати мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси хўжалик ва ташкилотларнинг раҳбарлари билан ҳамкорликда Янги йил тантаналарини ўтказишга пухта тайёрларлик кўрди. Тармоқ касабаси уюшмасига қарашли корхона ва хўжаликларда болалар учун қорбобо совғалари тайёрланди. Туманлардаги бошланғич касабаси уюшмалари боғчаларнинг тарбияланувчилари, мактабларнинг ўқувчиларига арча байрами шодиёнасида қатнашишга таклиф этилган уч юз мингдан зиёд таклифнома тарқатилди.

Касабаси уюшма фаоллари вилоят шифохонасида дардига малҳам олаётган беморларга, ихтисослашган шифохоналарда даволанаётган болаларга совғалар улашди. Болалар Тошкент шаҳридаги Муқимий номли, “Алпомиш” ва бошқа театрларда ташкил этиладиган арча байрамларда қатнашиб саргузаштларга бой кўрсатувларни томоша қиладилар.

С. ШАРОФХОНОВ.

СУРИЯЛИК МЕХМОНЛАР

Янги йил арафасида республика агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси Марказий Кўмитасида Сурия Араб Республикаси умумдеҳқон уюшмаси делегацияси қабул қилинди. Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, мазкур тармоқ Марказий Кўмитасининг раиси Т. Х. Собитов меҳмонларга мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий ўзгаришлар, тармоқ касабаси уюшмаларининг амалга ошираётган ишлари ҳамда режалари ҳақида гапириб берди.

Ўз навбатида суриялик меҳмонлар ҳам касабаси уюшмаларининг фаолияти ҳамда келгусидаги вазифалари ҳақида сўзлашди. Учрашув низомида ҳар иккала томон бундан кейин ҳам алоқаларни ҳар томонлама мустақамлаш, касабаси уюшмалари фаолиятида тажриба алмашишни кенгайтириш ниятларини изҳор қилдилар.

“Ишонч” мухбири.

УМИДИМИЗ КАТТА

ЭСКИ йил билан янги йил оралигидаги ўйлар ҳаммиса эзгу, яхши тилаклардан иборат бўлади. Чунки халқимизда яхши ният-ерти давлат деган ибратли нақл бор. 1994 йил мен тааллуқли бўлган соҳа — вилоят енгил саноат ходимлари учун у қадар осонроқ кечгани йўқ. Кўпроқ хомаше муаммоси кийнади. Биз касабаси уюшма ходимлари мўлжалдан кўпроқ ишлашимизга тўғри келди. Жамоа шартномаларида белгиланган вазифаларни бажариш учун тинимсиз ҳаракат қилдик. Ҳар ҳолда четдан хомаше келмаганда фабрикаларимизда ички имкониятлардан фойдаланилди. Махсулот турларини тез-тез ўзгартириб бўлса-да, ишчиларнинг бирор кун ҳам бекор қолмаслигига эришилди. Хуллас, 1994 йилда енгил саноат ходимлари чорасиз қолмадилар. Бу ҳақда ҳисобот анжуманимизда ҳам илиқ гаплар айтилди. Шахсий ҳаётимга келсак, қиз узатиб куёвли бўлдим. Учта фарзандим туғрта бўлди. Кириб келаётган 1995 йилдан ҳам умидимиз катта.

Раҳима ОМУРЗАҚОВА,
Анджон вилояти енгил-саноат
ходимлари касабаси уюшма кўмитаси
раиси муовини.

АХБОРОТ

Қанд заводи учун барча асбоб-ускуналар келтирилган. Корхона яқин орада ўз махсулотини бера бошлайди.

ИШЧИЛАРГА ЯНГИ ИМТИЁЗЛАР

УРГАНЧДАГИ тикувчилик фабрикаси яқинда “Феруз” ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Бу ерда махсулот ишлаб чиқариш кейинги йилларда деярли икки баравар ўсди. Чунки янги цехлар ишга туширилди, мавжудларининг ишлари яхшиланди.

Бу ерда ишчи-хизматчиларга ян-

ги-янги имтиёзлар яратиб берилляпти. Йил бошидан бошлаб фабрикага қарашли болалар боғчалари ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари учун бепул бўлди. Бундан ташқари фарзанд туғилганда отасига, бирон яқин кишиysi вафот этган ишчи-хизматчига, тўй қилаётганларга иш ҳақи тўланадиган кўшимча таътил жорий қилинди. Бундай тадбирлар жамоанинг меҳнат натижаларига ижобий таъсир ўтказяпти. Ҳар ой сайин-топшириқлар ошиги билан бажарилмоқда.

“Ишонч” мухбири.

Касабаси уюшмаларида ҳисобот-сайловлар

НАВОИЙ

Касабаси уюшмалари Навоий вилояти кенгашининг ҳисобот конференциясида кенгаши раиси С. А. Махнёванинг маърузаси тингланди. Унда таъкидланишича, касабаси уюшмаларининг I ташкилий конференцияси бўлиб ўтган даврдан буён вилоят касабаси уюшмалари ҳаётида чуқур сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар содир бўлди.

Касабаси уюшмалари тарихида биринчи марта қабул қилинган “Касабаси уюшмалари, улар ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун уларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ҳуқуқ ва ваколатларини, қонун чиқарувчи в ижроия ҳокимиятлари билан, давлат ва хўжалик идоралари, бошқа сиёсий ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларини аниқ белгилаб берди.

Вилоят касабаси уюшмалари кенгаши бозор иқтисодиётига ўтиш даврида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида талайгина тажриба тўплади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, меҳнаткашларнинг ижтимоий шарт-шароитлари ўзгармоқда. Бозор муносабатларига ўтиш уларнинг мулкка бўлган муносабатларини ўзгартирмоқда, ташкилотчиликлари ва ташаббускорликларини ошираётди.

Вилоят ҳокимлиги ва касабаси уюшмалари вилоят кенгаши ўртасида 1992—1994 йилларга мўлжалланган ўзаро ҳамкорлик шартномаси тузилган. Ана шу шартномада меҳнаткашларнинг турли қатламларини ижтимоий ҳимоялаш борасида тадбирлар белгилаб олинган. Мазкур шартноманинг бажарилиши касабаси уюшмалари вилоят кенгашининг раёсат мажлисларида ва конференцияларида ҳар йили кўриб чиқилиб, тегишли тадбирлар белгиламоқда.

Ҳозирги пайтда ўрта ва йирик корхоналарни хусусийлаштириш давом этмоқда, улар ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилмоқда. Хусусийлаштириш шакллари ўзгариляпти. Бундай пайтда, ўз навбатида касабаси уюшмалари ҳам ижтимоий адолатни қарор топтиради, ҳар бир фуқаронинг Конституцион ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда куч-гайрат сарфламоқда. Ўтган 2,5 йил мобайнида халқ таълими, маданият ва тиббиёт ходимлари ўз квартираларини тўлиқ хусусийлаштириб олишга эришилди. Аҳолининг махкур табақалари коммунал хизмат бўйича имтиёزلардан фойдаланмоқдалар. Шу каби, жойлардаги ким ошди савдоларида кўчмас мулк савдоси йўлга қўйилган.

Шунингдек, ўқитувчилар, тиббиёт ходимларининг иш пайтида транспортда бепул юришлари учун маҳаллий маблағлар ҳисобидан пул ажратилмоқда, кам таъминланган оилаларга, қаровчисини йўқотганларга “Умид” ва “Гулистон” қўрғонларида яқин тартибда уй-жой қуриш учун ижтимоий маблағлар фонди ташкил этилган.

Вилоят ҳокимлиги ва меҳнат биржаси билан ҳамкорликда аҳолининг бандлик дастури ишлаб чиқилган. Ишсизлар ва уларнинг оила аъзолари учун бандлик жамгармасидан маблағ ажратилган. Биргина жорий йилнинг ўтган 9 ойида бу масалада 11 минг киши мурожаат қилган. Бу 1992—1993 йилларнинг шу давридагидан 135 фоиз кўпроқ. 1716 киши ишсизлик мақомини олди. Ишсизлик бўйича 1028 кишига 350 минг сўм маблағ ажратилган. Аммо, шуни таъкидлаш керакки, вилоят бандлик бошқармаси ўз фаолиятини эски услубда давом эттираётди. Бу соҳага етарли аҳамият бермапти.

Касабаси уюшмалари вилоят кенгаши “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунни бажариш борасида бир талай ишларни амалга оширмоқда. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими томонидан вилоятнинг қатор корхона, ташкилот ва муассасалари, хусусий фермалар текширилганда бу борадаги нуқсонлар кўзга ташланди.

1993 йилда бахтсиз ҳодисалар туфайли вилоят корхона, ташкилот ва муассасаларида кўрилган зиён 2 миллион 698 минг сўмни ташкил этди. 2240 меҳнат кунни йўқотилган. 1994 йилда эса 1156 иш кунни йўқотилди.

Агар ана шу йўқотишлар бўлмаганда эди, ишлаб чиқаришда меҳнат кишилари учун кўплаб қулай иш шароитлари яратиш, ишчи ўринларини аттестациядан ўтказиш, қўл меҳнатини қисқартириш, ишлаб чиқаришга кўплаб янги технологияни жорий этишдек имкониятлар яратилган бўлар эди.

Шунингдек, вилоятда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳам кўнгилдагидек эмас. Экология соҳасида ҳал этилмаётган муаммолар кўп. Жумладан, кўпгина корхоналар, қурилиш ташкилотлари сув ости манбаларидан нотўғри фойдаланиш, ишлаб чиқаришда антисанитария ҳолатларини юзга келтириш эвазига атроф-муҳитни ифлослантирмоқдалар.

Ҳисобот даврида сихаттоҳларда умумий миқдори 1 миллион 662 минг сўм бўлган 5712 та йўлланма тарқатилган. Уларнинг 23 фоизи Афғонистонда хизмат қилган фахрийлар кўмитасига, “Соғлом авлод учун” жамиятига, ногирон болаларга ва бошқа зарурий кишиларга бепул берилди.

Ҳозирги пайтда касабаси уюшмалари вилоят кенгаши ижтимоий сугурта ҳисобидан саноат корхоналари базасида 4 та сихаттоҳ ташкил этган. Кейинги йилда уларнинг фаолияти учун 400 минг сўм маблағ сарфланди. Сихаттоҳларда 2000 киши саломатлигини мустақамлашга эришди. Бу борада Навоий вилояти, Навоий ГРЭСи раҳбарларининг зарур жиҳозлар билан таъминланишдаги хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Шунингдек, конференцияда тафтиш комиссиясининг раиси Сабоҳат Курбонованинг ҳам ҳисобот маърузаси тингланди.

Маърузалар юзасидан музокараларда вилоят халқ таълими ва фан ходимлари касабаси уюшмалари кўмитаси раиси Ҳасан Фахриддинов, Навоий автобус ва таксомотор парк касабаси уюшмаси кўмитаси раиси Аҳмад Ҳамидов, вилоят Марказий кутубхонаси директори Галина Аҳмедова, вилоят савдо, умумий овқатланиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш касабаси уюшмалари кўмитаси раиси Ҳалима Баракаева, Хатирчи туманидаги Шароф Рашидов номидаги жамоа хўжалиги касабаси уюшмаси кўмитаси раиси Олим Фахриддинов, вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиги Самандар Қобулов, вилоят телерадиокомпанияси муҳаррири Ҳамид Назаровлар сўзга чиқиб, касабаси уюшмалари вилоят кенгаши фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлар юзасидан ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар, унинг ҳисобот давридаги фаолиятига ҳолисона баҳо бердилар.

Анжуманда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари Қ. Рафиқов, Навоий вилояти ҳокими А. Айдарқуловлар сўзга чиқиб бозор иқтисодиётига ўтиш даврида касабаси уюшмаларининг роли, унинг янги сайланадиган таркиби олдида турган масъулиятли вазифалар ҳақида гапирдилар.

Анжуманда вилоят касабаси уюшмалари кенгашининг янги таркиби сайланди. Светлана Аҳадовна Махнёва касабаси уюшмалари вилоят кенгашининг раиси, Неъмат Давлатович Тўхтаев унинг ўринбосари, Даврон Ахрорович Воҳидов ва Ҳасан Бурхонович Фахриддиновлар касабаси уюшмалари вилоят кенгаши раисининг жамоатчилик асосида ишловчи ўринбосарлари этиб сайландилар. Шу каби конференцияда Ўзбекистон касабаси уюшмалари XV қурултойига делегатлар ҳам сайланди.

Ризо ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ишонч” мухбири.

ҚАНД КЎПАЯДИ

Хоразмда бирданга иккита қанд заводи қурилмоқда. Уларнинг биринчиси энг йириги — Хазораспда турклар билан ҳамкорликда, иккинчиси эса Қўшқўпир туманида бунёд этиляпти.

Қанд заводи қурилишини 302-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна бунёдкорлари олиб боряптилар. Бир неча йирик объектлар қурилишига ҳисса қўшган прораб Отабой Назаров бу ерда барча ишларга бош-қош бўляпти.

Тошкент вилоятининг Зангиота жамоа хўжалигида яқунланаётган йил кўрсаткичлари барча соҳаларда ортиги билан уйдаяпти. Шунинг учун хўжалик аъзолари мўмай даромад олишди.

Хўжалик аъзолари қишда ҳам иш билан таъминланган. Улар аёзли кунларда ҳам эл дастурхони тўқин-сочин бўлиши ҳақида қайғуришади. Сохибкорларнинг гайрат-шижоати, удабурролиги туфайли хўжалик иссиқхонасида мўл лимон ҳосили етиштирилди. Халқимизнинг янги йил дастурхонига 1 гектар майдондаги иссиқхонадан 15 тонна лимон гортик қилинди.

Суратда: илгор сохибкорлар Раъно Юнусалиева, Ойхўжа Нишонбоевлар лимон ҳосилини кўздан кечиришмоқда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ
олган сурат.



ВИЛОЯТ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

ХОРАЗМ

Хоразм вилояти касба уюшмаларининг уюшмаларо XX конференцияси қатнашчилари кўпроқ эътиборни республикамизда бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги шароитда касба уюшма ташкилотлари олдида турган вазифаларга қаратдилар. Вилоят касба уюшмалари кенгаши раиси Қаландар Сафоев "Хоразм вилояти касба уюшмалари кенгашининг 1990 йил август ойдан 1994 йил декабрь ойигача бўлган даврдаги иш фаолияти юзасидан ҳисоботи ва бозор иқтисодиётига ўтиш даврида касба уюшмаларининг вазифалари тўғрисида" маъруза қилар экан, касба уюшмалари фаолиятини атрофлича таҳлил қилиб берди, давр талабларига ҳамоҳанг ишлаётган бўғинлар ишини маъқуллаб гапирди. Лекин маърузачи ҳам, музокараларда сўзга чиққан нотиклар ҳам ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар шароитида касба уюшмалари ишини такомиллаштириш зарурлигини қайд этдилар.

Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашда жамоа шартномалари ва битимлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Шу боис касба уюшма ташкилотлари ҳар йили жамоа шартномалари ва битимларини имзолашга катта эътибор беришади, уларда кўрсатилган вазифалар бажарилишини назорат қилиб бормоқдалар, янги-янги имтиёзлар ва қўлайликлар яратилишига эришади. Бу борада айниқса Хива гилам ишлаб чиқариш бирлашмаси, вилоят тикуччилик ва ипакчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, Урганч ёғ-мой комбинати, сут заводи, Хонқа дон маҳсулотлари комбинати ва бошқа корхоналар жамоаларида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашнинг янги-янги шакллари жамоа шартномаларига киритилмоқда. Кучли ижтимоий ҳимоялашга қаратилган мақсадлар учун биргина 1993 йилнинг ўзида 5 миллиард сўм-қўнандан зиёд пул сарфланди.

Лекин шунга қарамай керакки, айрим корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари ва битимлари имкониятларидан суҳт фойдаланилмайпти. Жамоа шартномалари тузиш, уларни бажарилишига юзаси муносабатда бўлишди.

"Касба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун асосида меҳнаткашларни ҳуқуқий ҳимоялаш масалалари вилоят касба уюшмаларининг диққат марказида бўлаётти. Бироқ, бу муҳим ишга маҳаллий саноат ва коммунал хўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш, транспорт ва алоқа, тиббиёт муассасаларида, 167-қурилиш трести, "Амударё" сув ҳавзасига қарашли ташкилотларда риоя қилмаслик ҳоллари мавжуд.

Меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги бўйича тадбирлар ҳам изчил амалга оширилмоқда. Ҳисобот даврида бу борада 1500 дан кўпроқ текширишлар ўтказилди. Маъмуриятларга 25 мингга яқин камчиликларни бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берилди. Хавфсизлик талабларини бузган 524 мансабдор шахслардан жарима ундирилди, 24 жавобгар шахсни эгаллаб турган вазифасидан бўшатилди тўғрисида талаблар киритилди.

"Меҳнатни муҳофаза этиш тўғрисида"ги қонун талаблари тўла бажарилмапти. Бу қонунга мувофиқ 50 дан зиёд ишловчиси бўлган корхоналарда техника хавфсизлиги муҳандиси лавозими киритилиши керак. Лекин вилоятдаги 110 корхонада бундай лавозим жорий қилинмаганлигини қандай баҳолаш мумкин?

Ҳисобот даврида касба уюшма ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш соҳасида ҳам бирмунча ишлар қилинди. Шундай бўлсада, ҳали баъзи бошланғич касба уюшма ташкилотлари ишидан қониқиб бўлмади.

Айрим корхона ва ташкилотларда касба уюшмалари бор-йўқлиги ҳам умуман сезилмайди.

Конференцияда вилоят касба уюшмалари ташкилотининг тафтиш комиссияси ҳисоботи ҳам тингланди. Тафтиш комиссияси аъзоси Й. Хожиев ҳисобот бўйича сўзга чиқди.

Ҳар иккала маъруза юзасидан кизгин музокаралар бўлди. Вилоят ҳокими Маркс Жуманиезов конференцияда қатнашди ва нутқ сўзлади. У таъкидладики, касба уюшма ташкилотлари иқтисодий ислохотларни амалга оширишда ҳақиқий елкадош бўлаётган. Катта ердан беришди. Шу билан бирга касба уюшма ташкилотлари ишини янада яхшилаш учун катта имкониятлар бор. Биринчи навбатда республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларда касба уюшмалари фаолроқ қатнашмоқлари керак. Аҳолининг кам даромадли, ночор яшаётган табақаларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, вилоят олдида турган снесь ва хўжалик муоммаларини ҳал этишда ҳам касба уюшмалари учун катта вазифалар бор. Вилоят ҳокимлиги билан вилоят касба уюшмалари ўртасида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялаш бўйича яхши ҳамкорлик ўрнатилган. Ҳар йили бу соҳада битимлар тузилапти. Унинг бажарилиши назорат қилинмоқда. Лекин ҳозирги воқелик ҳокимликлардан, касба уюшма ташкилотларидан янада талабчанроқ, ташаббускор ва тадбиркор бўлишни тақазо этмоқда, деб таъкидлади вилоят ҳокими.

Халқ таълими ва фан ходимлари касба уюшмаси вилоят кўмитаси раиси М. Абдурахмонова, Дружба шаҳар касба уюшмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси Қ. Абдураимов, Хива тумани ва шаҳри ҳокими муовини А. Отаев, вилоят ипакчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси касба уюшма кўмитаси раиси Р. Матқаримова, вилоят маиший хизмат уюшмаси раиси Ж. Салимов музокарада сўзга чиқдилар. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Т. Х. Собитов конференцияда нутқ сўзлади.

Конференция ташкилий масалаларни кўриб чиқди. Вилоят касба уюшмаси кенгаши аъзолари, Ўзбекистон касба уюшмаларининг XV қурултойига делегатлар сайланди.

Конференция вилоят касба уюшмалари кенгаши низомини тасдиқлади.

Конференция кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Вилоят касба уюшмалари кенгашининг ташкилий мажлиси бўлди. Қаландар Сафоев яна вилоят касба уюшмалари кенгаши раиси қилиб сайланди.

Дехқончилик саноати мажмуи ходимлари касба уюшмаси вилоят кўмитаси раиси Қўзи Давлатов вилоят касба уюшмалари кенгаши раисининг биринчи ўринбосари қилиб сайланди.

Одамбой Болтаев, Отахон Исмоилов вилоят касба уюшмалари кенгаши раисининг ўринбосарлари қилиб сайландилар.

Шихназар АХМЕДОВ,
"Ишонч" мухбири.

НАМАНГАН

[Наманган вилояти касба уюшмалари XVI уюшмаларо конференциясидан]

Конференцияда Наманган вилояти касба уюшмаларининг 1990—1994 йиллар мобайнидаги иши тўғрисида ҳисоб берган вилоят касба уюшмалари кенгашининг раиси Ҳабибулло Дадабоевич Абдурахимов ва музокараларда сўзга чиққан нотиклар алоҳида таъкидлаб ўтганларидек, мустақиллигимизнинг уч йили тарих олдида кинрик қокқудек давр ҳисобланса-да, аммо бу вақт ичида ўз эътибори жиҳатидан оламшумул ишлар амалга оширилди. Ўзбекистонни дунё тан олди, жаҳон ҳамдўстлигининг бошқа аъзолари қаторидан фахрли ўрин эгаллади. Энг муҳими, касба уюшмалари бугунга келиб, меҳнаткашларнинг энг яқин ҳимоячисига айланди. Масалан, 1990 йилда вилоятда 2735 та касба уюшма ташкилоти атрофига 396738 нафар киши бирлашган бўлса, ҳозирга келиб касба уюшма ташкилотлари 2770 тага, улар сафидаги аъзолар сони 515152 нафарга етди.

Шу нарса қувончлики, касба уюшмалари таъсирини жамиятимиз ҳаётининг ҳамма жабҳаларида яққол сезиш мумкин. Вилоятда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳамда тайёрлаш режалари орғи билан адо этилган, саноат маҳсулотлари бултурғига нисбатан ортган экан, бу силжишларда, эришилган муваффақиятларда ҳам касба уюшмаларининг ташкилотчилик ўрни бор. Касба уюшмалари ишлаб чиқаришни юксалтириш самаралари асосида ижтимоий муҳофазани кучайтириш йўлидан бормоқда. Чунончи, вилоятдаги барча жамоа хўжаликлари касба уюшма кўмиталари оилавий шароитларни оғир, кам даромадли, ердამга муҳтож хонадонларни рўйхатга олган. Биргина Чортоқ туманида ўтиб бораётган йилда 93 оилага ердამ кўрсатилди. Вилоят касба уюшмалари кенгаши томонидан эса қаровчисиз қарияларга иссиқ овқат учун 500 минг сўм пул ўтказиб берилди.

Касба уюшмаларининг бевосита аралашуви туфайли саноат корхоналарида, қурилиш ташкилотларида ишловчиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилмоқда. Чодак олтин қонида ва Наманган қурилиш трестида ишчи-хизматчиларга йиллик маошларининг 5-10 фоизи миқдориде ердამ кўрсатилди. Машинасозлик, киме, механизациялаштириш ва автоматлаштириш воситалари корхоналарида касба уюшма кўмитаси ва маъмуриятларнинг қўшма қарорига мувофиқ озик-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари узлуксиз равишда бериб борилмоқда.

Бозор муносабатларига ўтиш босқичида фуқароларни ижтимоий муҳофазалашда жамоа шартномалари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Вилоят корхона, ташкилот ва муассасаларида 1994 йилда 1840 та битим ва шартнома имзоланиб, вилоят касба уюшма кўмиталари рўйхатидан ўтказилди. Касба уюшмалари вилоят кенгаши билан вилоят ҳокимлиги ўртасида тузилган битим бугунги мураккаб дамларда турмуш даражасини пасайтирмаслик, қурилиш ва ободонлаштиришни давом эттириш, шаҳар ва қишлоқларни газлаштириш, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, кўмакка муҳтож кишилар ҳамда оилаларни қўллаб-қувватлаш омили бўлиб қолмоқда.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жараёнида ўз-ўзидан қалқиб чиқаётган ишсизликнинг олдини олиш ва янги иш ўринлари яратиш ҳисобот даврида касба уюшмалари фаолиятдан тегишли ўрин олмоқда. Ҳамма ерда бўлганидек вилоятда ҳам кейинги уч йил ичида иш ўринларини қисқартириш сезилиб қолди. Кўплаб хўжалик ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда касба уюшма кўмиталари одамларни ишсиз қолдирмаслик чораларини кўрмоқдалар. Косонсой пойафзал фабрикаси, Жийдакапа темир-бетон заводи, Норин йигирув-тўкув фабрикаларида бундай ҳол юз бермаслигининг олди олинди. 2- ва 3-хўжалик ҳисобидаги автонақлиёт саройлари, аври шойи ва нотўқима матолар ишлаб чиқариш бирлашмаси касба уюшма кўмиталарининг қатъий талаблари асосида мингдан зиёд кишининг ишдан бўшатилишига йўл қўйилмади. "Электротерм" ишлаб чиқариш бирлашмасида иш ўрини қисқартириш ўрнига янги иш ўринлари яратилди.

Ходимларни ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш масалалари ҳам ҳаммиша касба уюшмалари эътиборида. Ҳозир корхона ва ташкилотлар қошида 12 та санаторий-профилакторий фаолият кўрсатмоқда. 1993 йил охирида эса Учқўрғонда Чернобыль ҳалокатида жабрланган беморларни даволашга мўлжалланган "Наврўз" сихаттохи ишга тушди. Умуман, ҳисобот даврида 55212 киши санаторийларда, 71919 киши санаторий-профилакторийларда соғлигини тиклашга эришди. 209591 ўқувчи дам олиш масканларида ёзги таътиллари ўтказди. 416227 ишловчига парҳезли таомлар учун йўлланма берилди.

Нотик ва маъруза юзасидан сўзга чиққанлар ҳисобот даврида эътибордан четда қолган ёки ҳал этилмаган айрим масалаларга тўхталдилар.

Конференцияда тафтиш комиссиясининг раиси Юсуфжон Собиржоновнинг ҳам ҳисоботи тингланди.

Қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Конференция ишида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Тўлқин Ҳамидович Собитов, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Олимжон Ваҳобович Бозоров нутқ сўзладилар.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
"Ишонч" мухбири.

ФАРҒОНА

ФАРҒОНА вилояти касба уюшмаларининг XVIII уюшмаларо конференцияси баланд руҳда, кизгин баҳслар билан ўтди. Кенгаш раиси Аҳад Набиевич Мансуров 1989—1994 йилларда қилинган ишлар ҳақида ҳисоб бераркан, шу йиллар ичида касба уюшмалари ҳам мустақил жамоат ташкилоти сифатида ўзининг ҳуқуқий мақомларига эга бўлганлигини алоҳида таъкидлади.

Фарғона вилояти касба уюшмалари жуда катта, обрўли ташкилот.

Сафларида 740 минг аъзоси бўлиб, унинг сафлари тобора ўсиб бормоқда. 52 минг кишининг касба уюшмалари аъзолари сафига қўшилиши, шаҳар, туманларда мувофиқлаштирувчи кенгашлар тузилиб, дадил қадам қўйганликлари, ҳокимликлар билан яқин ҳамкорликда муаммолар ҳал этилаётгани, меҳнаткашларга 1 миллион 680 минг сўм моддий ердამ берилгани фикримизнинг далилидир.

Жамоа шартномалари бўйича ана шундай ташкилий ишлар бошланғич ташкилотларда ҳам амалга оширилмоқда. Ҳар йили бошланғич ташкилотларда 700—750 та жамоа шартномалари тузилмоқда ва уларнинг бажарилиши натижасида меҳнаткашларга ижтимоий, иқтисодий ердამ берилмоқда. Мисол учун "Қварц" ишлаб чиқариш бирлашмаси, цемент комбинати, Қўқон қурилиш ашёлари заводи, Ўзбекистон нефтни қайта ишлаш бошқармаси ва бошқа корхоналарда тузилган шартнома асосида ишчиларга фойзсиз қарзлар берилди, қурилиш материаллари ажратилди, тушлик овқат ва даволаниш учун йўлланмалар бепул бўлди. Нефтни қайта ишлаш бошқармасида эса аёлларга боласи 3 ешга етгунга қадар ҳар ойда энг кам иш ҳақи миқдориде ойлик тўланмоқда, қўшимча таътиллари берилмоқда. Пенсияга чиқувчиларга уларни кузатиш вақтида бир-йўла ўртача иш ҳақининг 3-10 баробари миқдориде маблағ тўланмоқда. Ходим касб касаллигига дучор бўлса — олаётган пенсиясидан қатъий назар қўшимча нафақа берилмоқда.

Ҳисобот даврида вилоят корхоналарига қарашли 32 та санаторий-профилакторийда 30 минг меҳнаткаш дам олиб даволанди. 129 та болалар оромгоҳларида 33 минг 107 ўғил-қиз дам олди. Навбатдаги вазифа мавжуд оромгоҳлари кўйда сақлаб қолиш ва соғломлаштириш ишларини яхшилашдан иборат. Бунинг учун ижтимоий сугурта бадалларини ташкилот ва корхоналар ўз вақтида ўтказиб беришлари зарур ва бу ишни назорат қилиб борамиз. Бундан ташқари вилоятимиз меҳнаткашларининг кўнгилли хордик чиқаришларини ташкиллаштириш имкониятлари Шохимардон ва Сўхда, Сирдарё бўйида, Қайнарбуққа, Сарикқўрғонда, Каркидон сув омбори соҳилидаги дам олиш жойларида етарлича бор. Лекин уларнинг эгалари хўжалик орگانлари, бошқа соҳа бошлиқлари ҳисобланган. Шу раҳбарларнинг бошини қовуштириб беришда вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари кўмаги зарур. — деди Аҳад Набиевич ўз маърузасида.

Ҳисобот даврида касба уюшма аъзоларининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида ҳам самарали иш олиб борилди. Меҳнаткашлардан тушган ариза ва шикоятларнинг 73 фоизи ижобий ҳал қилинди. Ноҳақ ишдан бўшатилган 241 киши ўз вазифаларига тикланиб, иш ҳақлари ундириб берилди. Ишловчилар меҳнатини муҳофаза қилиш, бехатар, қулай иш шароитлари яратиш учун ҳамма вақт кураш олиб борилди. Жамоа шартномаларига зарарли шароитларда ишлаганларга қўшимча ҳақ тўлаш, қўшимча таътил бериш, имтиёзли пенсияга чиқариш, қўшимча маҳсус кийим-бош ва пойафзаллар бериш каби талаблар киритилди. Меҳнат муҳофазаси қоида ва қонунларини бузганликлари учун 747 масъул шахс маъмурий жавобгарликка тортилди, жарима солинди, 103 нафари ўз вазифасидан озод этилди.

Ҳисобот даврида меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш учун сарфланган ижтимоий сугурта жамғармаси ортиб борди ва 1994 йилда 18317,9 минг сўмни ташкил қилди. Бу маблағлар эвазига тўрт йилу тўққиз ой мобайнида 321418 киши дам олиб, даволанди. Лекин бу ишда ҳали камчиликлар мавжуд ва касба уюшмалари жиддий иш олиб боришлари керак.

Нотик ўз нутқида кенгаш амалга ошира олмаган муаммолар хусусида ҳам тўхталиб, эртанги кун катта фидойилик талаб қиладиги ҳақида гапирди. Шунингдек, у Ўзбекистон касба уюшмаларининг Низомини ва ҳаракат Дастури лойиҳаларига ўз муносабатини билдириб, улар жойларда кенг муҳокама қилинаётганини айтди.

Ҳисобот маърузаси юзасидан музокараларда сўзга чиққан халқ таълими ходимлари Марғилон шаҳар касба уюшмалари кўмитаси раиси Г. Бобоев, давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари Тошлоқ тумани касба уюшмалари кўмитаси раиси Т. Гойипов, енгил саноат ходимлари вилоят касба уюшмалари кўмитаси раиси Р. Шодиев ва бошқалар вилоят касба уюшмаларининг ҳисобот давридаги фаолиятини қониқарли деб топдилар. Конференцияда кўрилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Анжуманда касба уюшмалари вилоят ташкилоти тафтиш ва мандат комиссияларининг ҳисоботлари тингланди ва тасдиқланди. Ўзбекистон касба уюшмалари XV қурултойига вакиллар сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси муовини Зоир Исонович Қодиров ва Фарғона вилояти ҳокими Мирзажон Йўлдошев Исмолов нутқ сўзладилар.

Шу кун вилоят касба уюшмалари кенгашининг ташкилий мажлиси бўлиб, унда кенгаш раиси ва унинг муовинлари ҳамда раёсат аъзолари сайландилар. Аҳад Набиевич Мансуров бир овоздан яна кенгаш раислигига сайланди.

Саъбат МАҲМУДОВА,
"Ишонч" мухбири.

Мамлакатимиз нурчилари (энергетиклари) нинг халқ хўжалиги барча тармоқлари тараққиётига қўшаётган хиссалари бекиёсдир. Нурчиларимиз томонидан бунёд этилган Нур уммонию Куёшга таққослагинг келади. Табиат махсули Куёш ўзининг ҳаётини нурларини оламнинг барча ерига беминнат бир хилда таратиб, ҳаёт манбаи бўлганидек, инсон ақл-заковати билан бунёд этилган нурхоналар ва Нур уммони ҳам ўз нур ва қувватларини узлуксиз, кечаю-кундуз тиним билмай, халқ хўжалигининг барча жабҳаларига узатиб турибди. Кундалик ҳаётимизда бирон соҳа-саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, тиббиёт, турар-жой, ҳатто чўпон-чўликлар отарлари йўқки электр қуввати етиб бормаган бўлсин.

Эндиликда инсоният ҳаётини электр энергиясиз тасаввур этиш мумкин эмас, у одамлар учун сув, ҳаво сингари ҳаёт заруратига айланиб қолган десак муболага бўлмайди.

Шунинг учун ҳам халқимизнинг иродаси, куч-гайрати билан бу тармоқ мамлакатимизда катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. 1926 йили саноат қуввати бера бошлаган тўнгич Бўзсув гидроэлектростанцияси атиги 2 минг киловатт қувват билан ишлаган бўлса, 1941 йили нурхоналаримизнинг умумий қуввати 171 минг киловаттга етди. Фашизмга қарши урушдан кейинги йил-

ўринга мўлжалланган 9 та санаторий-профилакторий, 15 та 940 ўринли дам олиш оромгоҳлари, 6 та 930 ўринли болаларни соғломлаштириш ёзги масканлари фаолият кўрсатмоқда. Уларда ҳар йили 20 мингдан зиёд нурчи ва уларнинг оила аъзолари ҳордиқ чиқариб, ўз саломатликларини тикламоқдалар.

Сўнгги йилларда марказлаштирилган маблағ ҳисобига тармоқда 3 та санаторий-профилакторий қуриб ишга туширилди. Улар қаторига Фарғона ТЭЦининг 100 ўринли, Хоразм электр тармоғининг 100 ўринли, Бухоро электр тармоғининг 50 ўринлик соғломлаштириш-муолажагоҳлари, Қодирья ГЭСлар каскадининг Оққовоқ дам олиш уйида 100 ўринли 2 та ётоқ ва икки қаватли шинам ошхона-чойхона ва бошқалар ишга туширилди.

Янги Ангрэн ва Толимаржон ГРЭСларида поликлиникалар, Навоий электр тармоғи ва Ўрта Чирчик ГЭСлар каскадида эса тиббиёт муолажагоҳлари очилди. Тошкент, Сирдарё ГРЭСи ва Фарғона ТЭЦи соғломлаштириш-муолажагоҳларида ётоқхоналари чиройли, дид билан безатилган, дам олиш хоналари телевизор билан, тиббий хоналар эса замонавий даволаш ва ускуналари билан жиҳозланган.

— Ҳақиқатдан ҳам тармоқда маъмурият ва касабаяўшма кўмиталарининг бир-бирларини тушуниб, биргаликда иш олиб боришлари натижасида бирмунча ютуқларга эришилган, — дея суҳбатга аралашди, С. Калонов. — Мен

“Средаэлектросетьстрой” трести бошқарувчиси бўлиб ишлаган вақтимда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий масалалари ва ишлаб чиқариш тараққиёти бўйича кўпгина яхши тадбирлар касабаяўшма кўмиталари, шу жумладан, тармоқ Марказий Кўмитаси билан бирга ҳал этиларди. Бу эса ютуқлар гаровидир!

Ҳозирги пайтда Марказий Кўмитамиз Ўзбекистон Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги билан шунга ўхшаш кўпгина ишларни давом эттиришти, — суҳбатни давом эттирди Ҳосил Саматович. Биргаликда қиладиган ишларимизни беш йиллик икки томонлама қабул қилган “Битим” имизда белгилаб олганмиз.

— Айниқса, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида Мустақил Республикаимизни мустақамлаш учун халқимиз ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда. Ўзингизга маълум, айрим эски услубга ўрганиб қолган меҳнат жамоаларининг вақтинчалик қийинчиликларга бардоши етмаяпти. Бозор иқтисодиёти чуқур билишни, тадбиркорликни, ишчанликни, чидам-матонат билан меҳнат қилишни талаб қилади. Бу эса корхона раҳбарларидан ўта билимдон ва моҳир ташкилотчи бўлишларини тақазо этади ва замонавий иш услубларини керак жойда ишлата олсаларгина жамоани иш билан таъминлаб, ўз олдларига қўйган режаларини амалга ошира оладилар.

Касаба уюшмалари бу борада ҳаммаиша янгилик, ташаббусларни қўллаб-қувватлаб, меҳнат жамоаларини янги марраларни эгаллашига сафарбар этишга фаол кўмаклашиб келмоқдалар. Касаба уюшмалари маъмурият билан бирга юксак марраларга эришишнинг асосий омилларидан бири бўлган ўзаро мусобақанинг таъсирчан шакллари уйлаб кўриб, ўз жамоаларида жорий қилсалар фойдадан холи бўлмасди. Бу борада жиддий ўйлаяпмиз. Шунда эришилаётган натижаларимиз янада салмоқли бўларди.

Ишончим комилки, кўпминг кишилик аҳил нурчилар жамоаси янги — 1995 йилни ҳам зарбдор меҳнат, юксак самара билан нишонлайди.

Суҳбатни “Ишонч” мухбири А. СИЛЕЕНКОВ олиб борди.



БОЛАЛАРГА БАЙРАМ СОВГАЛАРИ

ҚИШКИ таътил кунларида мактаб ўқувчиларининг дам олишларини самарали ташкил этиш ва Янги йил арча байрамларини кўнгилли ўтказиш юзасидан касаба уюшмалари ташкилотлари катта ташкилотчилик ишларини олиб бордилар. “Ўзбексавдо” давлат-ҳиссадорлик уюшмаси ҳамда “Ўзбекбирлашув”нинг жойлардаги савдо ташкилотларида болаларга аталган қандолатчилик махсулотлари, болалар ўйинчоқлари сотувга чиқарилди.

Умуман, қишки таътил кунларида республикамизнинг 4 миллионга яқин ўғил-қизларига байрам томошалари кўрсатиш кўзда тутилган. Театрлар, майдонлар, маданият ва спорт саройлари кичикинтойлар хизматида бўлади.

Ҳозирги бозор муносабатлари шароитида корхона, ташкилот, хўжалик ва муассасаларда болаларга Янги йил совгалари учун ҳамда бошқа тадбирлар учун қилинадиган харажатларнинг эллик фоизи касаба уюшмалари бюджетини ҳисобдан тўланадиган бўлди.

ТОШКЕНТ шаҳар касаба уюшмалари кенгашининг ҳиммати билан 230 минг пойтахтлик ўқувчилар 30 декабрдан Янги йилнинг 8 январигача Тошкент давлат циркида, “Баҳор” концерт зали, Муқимий номидаги театри ҳамда “Алпомиш” спорт саройидаги театрлаштирилган арча байрамларига таклиф этилдилар. Уларга ҳар бири 40 сўмлик янги йил совгалари улашилади. Кўп болали, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига байрам таклифномалари бепул берилди.

АНДИЖОН вилояти касаба уюшмалари билан вилоят ҳокимлигининг болаларнинг Янги йил байрамларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида биргаликда қабул қилган қарорига кўра мактаблар ва болалар боғчалари Янги йил совгалари билан таъминландилар. Вилоят касаба уюшмалари кенгаши ҳар бири 43 сўмлик Янги йил совгаларидан яна 19 мингтагани жойларга қўшимча равишда юбориш юзасидан шартнома тузди. Янги йил томошалари Андижонда вилоят кўғирчоқ театрида бўлади.

БОЛАЛАРНИНГ қишки таътилин намунали ўтказиш юзасидан Жиззах вилоятида айниқса катта тайёргарлик кўрилди. Бу ерда 50 минг совга тарқатилди. Унинг ярим қийматини касаба уюшмалари тўлайди. Вилоят касаба уюшмалари кенгаши Зарбдор туманидаги ўз оталигидаги болалар уйига 1200 сўм пул ҳамда 70 та Янги йил совгасини бепул тортиқ қилди.

ЖИЗЗАХ шаҳар халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси юқори синф ўқувчиларидан 45 минг нафари учун Янги йилнинг биринчи ҳафтасида бал маскаралар ташкил қилади.

НАВОИЙ вилоятида ҳам болалар Янги йилни қувонч ва шодлик билан кутиб олмақдалар. Вилоятда тарқатилган 50 мингта Янги йил совгалари учун таклифномаларнинг 50 фоиз қийматини ота-оналар тўлашмоқда. Шаҳардаги “Фарҳод ва Ширин” маданият саройлари арча байрами ўтказиш учун январнинг биринчи ўн кунлигида ўқувчилар ихтиёрига бериб қўйилади.

Мамлакатимизнинг барча вилоятларидаги касаба уюшмалари кенгаши, тармоқ кўмиталари ва бошланғич ташкилотлар фарзандларимизнинг арча байрамларини шодиёна ўтказиш учун бор куч имкониятларини ишга соладилар.

Мавлуда ШУКУРОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши бўлим
мудирининг ўринбосари.

ҲИММАТИ БАЛАНДНИНГ ҲУРМАТИ БАЛАНД

Пахтаободликлар туман ҳокимлиги қошида фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш хайрия бўлими ташкил этдилар. Бўлим ҳамманинг ҳавасини келтирадиган даражада ишлаб, елгиз ва ногирон кишиларнинг дуосини олмоқда.

— Менимча, қарияларнинг, айниқса, гарибларнинг бошини силамаган мамлакат ривожланмайди, — дейди бўлим мудирини Гуломқодир Абдурахимов, — оллоҳга минг шукрим, юртбошимиз ўзгалар ердмига муҳтож кишиларга жуда меҳрибонлик қилиб келмоқда. Бўлимимиз ана шу гамхўрликнинг меваси сифатида ташкил топди.

Бўлим дафтарида ердамга муҳтожларнинг рўйхати бор. Уларда қалби меҳр-муҳаббатга тўла 20 киши доимий хизмат кўрсатиб келади. Уй ичи ва ташини озода тутиш, кирини ювиб бериш, бозор ёки дўконлардан зарур озиқ-овқат махсулотларини келтириб бериш, товлари қочса тиббий ердам кўрсатиш улар зиммасида.

Бўлим иши бу билан чекланмайди. Ночор кишилар транспорт ҳақи, коммунал хизмат, газ, сув электр ҳақи тўлашдан озод этилганлар. Дори-дармонни бепул оладилар. Бўлимга қарашли хайрия ошхонаси доимий ишлаб турибди. Ҳар куни 30-35 қария бепул овқатланади. Келолмаганларга овқат элтиб берилади. Бу хизматларнинг ҳаммасига ҳақни бўлим тўлайди.

Бундан ташқари бўлимнинг сайё-ҳаракати билан ўзига нисбатан тўқ хонадонлар кўп болали ночор оилаларни, ногиронларни ўз оталиқларига олишган. Уларнинг уйлари таъмирлаб бериш, экинларга ердамлашиш, ўтин-кўмир билан таъминлаш эса оталиқ ташкилотлари зиммасида. Айрим хўжаликлар муҳтожларга бутун бошли уй ҳам қуриб беришмоқда.

Улуғлар саховатини одамийлик дараҳтининг энг ширин ва шифобахш меваси деб баҳолайдилар. Пахтаобод тумани жамоатчилигининг ҳиммат ва муруввати ана шу ҳаётбахш мевани эслатади.

ЯНГИ ЙИЛ арафасида Фарғона вилояти ҳокимлигида “Нефтчи” футбол жамоаси аъзоларини қабул қилишди. Улар Ўзбекистоннинг уч карра чемпиони бўлиб, олтин медали ва биллур совринни қўлга киритганликлари билан қизгин табрикланди, қимматли совгалар топширишди. Футбол жамоасининг моҳир ҳужумчиси Равшан Бозоровнинг байрам арасидаги дилсўзларини мухбиримиз қозоғга кўчирди.

— Тўқсон тўртинчи йил жамоамизнинг ҳар бир аъзоси едида қолади. Голибликка учинчи марта эришиш катта бахт. Мавсум давомида бирон марта мағлубиятга учрамадик. Турли жамоалар дарвозаларига 80 марта тўп киритишга муваффақ бўлдим. Жамъи ўйинларнинг 13 тасида йриқ ҳисобда зафар қучдик. Энг йриқ ҳисоб 7:1 “Наврўз” билан бўлган, учрашувда рўй берди. Москвадаги “Спартак” ўйингоҳига 74 минг то-

мошабин тўпланиб, олқишлаганини, Япониянинг Хиросима шаҳрида бўлиб ўтган XII Осие ўйинларидаги иштирокимизни унутиб бўладими? Бу муваффақиятларда бош мураббийимиз Ю. В. Саркисяннинг ва барча ҳамкасбларимнинг ҳиссаси катта.

Бу йилги чемпионатда рақиблар дарвозасини 28 марта аниқ нишонга олишга эришдим. Уч чемпионатда киритган жамъи тўпларим сони 46 тага етди. Бир ўйинда учтадан тўп киритиш ҳам насиб этди. 29 ўйиннинг деярлик барчасида тўп сурдим.

Янги йилда барча футбол мухлисларига, меҳнаткаш халқимизга соғлиқ,

омад тилайман. Уларнинг олқишлари бизга куч-гайрат бағишлайди. “Нефтчи”га сира кўз тегмасин. Янги йилда жамоамиз Осие чемпионлари кубоги ўйинларининг финал баҳсларида қатнашади. Яна уларга омад кулиб боқсин!

“НЕФТЧИ”ГА ДУНЁ ЭШИКЛАРИ ОЧИЛДИ

БОҚУВЧИСИНИ йўқотган 95 ёшли пенсионер Хожи ота Паёзов келини ва уч нафар набирасига бош бўлиб яшайди. Унда қўшнилар қатори ошхонага табиий газ ўтказиш, хоналарга қувур ўтказиб, батарея ўрнатиш истаги пайдо бўлди. Бозор иқтисодиёти шароитида мўлжалланган ишни бажаришга етарли маблағ жамғаришга пенсионернинг қуввати келавермайди. Шу боисдан Хожи ота дилида тугиб қўйганини амалга ошириш учун ёрдам беришни илтимос қилиб, туман ижтимоий таъминот бўлимига, ҳокимнинг биринчи ўринбосари Раҳмон Саидовга мурожаат қилди. Туман фаоллари тўпланиб, кекса пенсионерга ёрдам беришга қарор қилишди. Қувурни топувчи, ўтказувчи ташкилот раҳбарлари белгиланди. Хўжалик раҳбарларига ҳам мурожаат қилинди. Бироқ ишда силжиш бўлмади.

Шу боисдан Хожи ота туман ҳокимининг ўринбосарига қайта мурожаат қилди. Ҳоким муовини эса ўйлаб-ўйлаб туман молия бўлимининг бошлиғи Пардабой Ҳалиловни чақирди:

— Туманнинг ривожланишига кўп меҳнат қилган Хожи отани уйига оқар газ ўтказиш ва иситиш масаласини ҳал қилолмаяпмиз. Уч-тўрт раҳбарга айтдик. Улар ҳозирча ваъдадан нарига ўтишмаяпти. Шу ишга ўзингиз бош бўлсангиз.

— Ушалар билан сўзлашиб жавобини айтаман. Хожи ота олдида уялиб қолмай бажариш чорасини қиламиз. Бундан кўнглингиз тўқ бўлсин.

Пардабой ака хайрия ёрдами кўрсатишга қодир ва мойил бўлган раҳбарларни тўплаб: — Хожи ота ҳаёт тақозоси билан ёрдам сўраб

туман фаолларига мурожаат қилибди. Куч-қувватларинг келадиган корхона, хўжаликнинг раҳбарларисиз, халқимиз анъанасига мувофиқ ёрдам қўлини чўзсаларинг, қариянинг кўнгли тоғдек кўтарилари, — деди.

Пардабой аканинг сўзи ерда қолмади. Шу куни корхоналарнинг бири қувур берадиган, хўжалик маблағини тўлайдиган, яна бири чилангар ҳақини тўлайдиган бўлди. Бошланган иш тўхтаб қолмаслигини Пардабой аканинг ўзи назорат қилиб турди. Орадан кўп ўтмай, Хожи ота Пардабой ака кабинетига миннатдорчилик билдиргани келди.

Кутилмаган воқеалар содир бўлганда, ёрдамга муҳтож бўлиб қолган оилалар ҳолидан хабар олиб, улар мушқулини осон қилган мисолларни Пардабой ака фаолиятдан кўплаб келтириш мумкин...

Ёш йигит Илҳом Абдуқодиров Афғон урушидан қайтмади. Шаҳар кўчаларининг бири унинг номига қўйилди. Фарзандининг ҳурмати ўрнига қўйилганидан Турсуной опа Абдуқодированинг кўнгли таскин топгандай бўлганди. Опанинг яшаш шароити туман жамоа ташкилотларининг диққат эътиборида турарди. Ҳар бир байрам шодиёнасида совға, озиқ-овқат маҳсулотлари бериларди. Жангда шаҳид бўлган ўғлининг ўрнини билдирмасликка ҳаракат қилинарди.

Бахтга қарши Турсуной опа бошига яна бир мусибат тушди. Аёзли қиш кунда уйдан ёнғин чиқиб, хоналар ўрнида култепа қолди. Халқимиз ҳаётида қайта қарор топаётган хайрия ёрдами кўрсатишга қодир кишилар қўл қовуштириб туришмади. Пардабой ака ҳам улар қатори ўзининг инсонийлик бурчини бажарди. Шахсий жамғармасидан улуш қўшди. Бозор иқтисоди шароитида маҳаллада йиғилган маблағ билан уйни қайта тиклаб бўлмасди. Ҳокимлик қарори билан маблағ ва қурилиш материаллари етказиб беришга бош-қош бўлиш беминат хизмати билан эл ҳурматини қозонган Пардабой ака зиммасига юкланди. Пахта тозалаш корхонаси, 18-кўчма механизациялашган колонна ва бошқа ташкилотлар ёрдам кўрсата бошлади. Савобли юмушни бажаришга одатланган Пардабой ака назоратида Турсуной опанинг уйи қайта тикланди.

— Укам Пардабой билан кўп йиллардан буён ҳамкорликда ишлаймиз, — дейди биз билан суҳбатда туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Абдуҷаббор Мусаев. — Барчага бир хил муомалада бўлиш, ҳожатманд оилаларга амалий ёрдам кўрсатиш ҳислати

уни элга танитди. Боқувчисини йўқотган 126 нафар пенсионер унинг ёрдамидан баҳраманд бўлмоқда. Хизмат вазифасига кирмайдиган топшириқлардан юз ўгирмай, уларни ҳам сидқидил бажаради. Шунинг учун унга кўп топшириқ берилади. Бирон марта нолиганлигини эслолмайман.

Пардабой ака жамоат ишларида фаол қатнашиш билан бирга туман молия бўлимида иш бошлаган ёшларнинг меҳрибон мураббийсидир. Улар ўйниб-ўсиши ҳақида ғамхўрлик қилади. Бугунги кунда туман солиқ инспекцияси бошлиғи бўлиб ишлаётган Илҳом Асқаров, туман давлат сўғурта инспекцияси бошлиғи Эркин Қосимов, Тошкент молия институтининг кафедра мудири Қосим Яҳёев ва бошқалар Пардабой аканинг кенг феъллиги ва ишончидан баҳраманд бўлишган.

Пардабой ака ёш мутахассисларни тарбиялабгина қолмай, турли сабаблар билан ҳаётда ўз ўрнини тополмаган ёшларни ўқиб, бирон касб эгаллаб олишига ҳам ёрдам қилади. Устознинг бу фазилатидан баҳраманд бўлган шогирдларнинг бири туман молия бўлимининг бош назорат-тафтишчиси Сотволди Эшматовдир.



— Мен маданият бўлимида оддий ҳайдовчи бўлиб ишлардим. Кўнларнинг бирида Пардабой ака Бўстон қишлоқ кенгашининг сессиясига бориш учун машина сўрабди. Директоримиз мени юборди. Унда Пардабой акани танимасдим. Йўлда эски танишлардай суҳбатлашиб кетдик. Гап орасида, умрбод ҳайдовчи бўлиб қолиб кетмайлик, дурустроқ иш бўлса мени ҳам таклиф қилинг, дебман. Маълумотимни сўради. Урталигини айтдим.

— Инспекторлик лавозими бўш. Маъқул кўрсанг эртага бор. Гаплашиб нима билан шуғулланишингни тушунтираман, — деди у гапларимни диққат билан тинглагач. Эртаси куни белги-ланган вақтда учрашдим. Ишни тушунтирдим. Ушадан бери молия ходими бўлиб қолдим. Кейинги йили Пардабой ака тавсияси билан Тошкент молия техникумининг сиртки бўлимига кириб ўқий бошладим. Ҳисоб-китоб ишларидан бехабар эдим. Устоз раҳнамолигида молия бўлимида бош назорат-тафтишчиси бўлиб ишламоқдаман. Тасодифан Пардабой ака билан учрашмаганимда ўша ҳайдовчилигимда қолиб кетармидим, — деб тез-тез ўйлаб тураман. Шу боисдан Пардабой акадан биргина мен эмас, барча оиламиз аъзолари ҳам хурсанд.

Пардабой ака Ҳалилов Бўка туман молия бўлимида 35 йилдан буён самарали меҳнат қилмоқда. 27 йилдан буён туман молия бўлимининг мудири. Унинг меҳнат фаолияти туман халқ хўжалигини режалли юритиш, топилган маблағнинг ўз ўрнида ва тежамли ишлатилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлмоқда.

Шу кўнларда 60 ёшини нишонлаётган Пардабой ака уч ўғил икки нафар қизнинг отаси. Катта ўғли Ботир Бўка автобус-такси саройининг директори, Фарҳод ота изидан бормоқда, солиқ инспекциясининг инспектори, Суръат ички ишлар бўлимида масъул лавозимда ишламоқда. Қизлари Феруза ва Наргизалар мактаб ўқитувчиларидир.

Одамлар юкини енгил қилиш, ҳожатбарорлик сизга яна кўп йил насиб этаверсин. Улуғ айём янги йил байрамингиз кутлуг бўлсин, Пардабой ака!


Саидазим ШАРОФҲОНОВ,
Бўка тумани.

МУРУВВАТ СОҲИБИ

КЕКСАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Бугунги шароитда фуқароларни, биринчи навбатда кексалар, ногиронлар ва кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш касаба уюшмаларининг бош вазифаси бўлиб қолган. Тўрақўрғон туманидаги нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасида узоқ йиллар ишлаб нафақага чиққан 8 нафар кексага мунтазам моддий ёрдам кўрсатиш яхши йўлга қўйилди. Уларга бир ойлик ўртача маош миқдоридан пул берилди. Шаҳанд қишлоғининг Бозорбоши маҳалласида яшовчи биринчи гуруҳ уруш ногирони Турғунбой Сатторов ташкилот оталигига олинди. Бу ерда ҳалол меҳнат қилиб оламдан ўтган тўрт нафар хизматчилар оиласи ҳам ижтимоий ҳимояга олинган.

“Ишонч” мухбири.



Мунира Исмоилова кўп йиллардан буён Тошкент вилоятининг Марказий поликлиникасига раҳбарлик қилмоқда. Бу даврда поликлиникада беморларни қабул қилиш ва даволаш жараёнида кўпгина ижобий ўзгаришлар бўлди. Шифокорларнинг малакаси оширилди.

Суратда: Шифокорлар чапдан С. Раҳматова, М. Исмоилова, Х. Шонасирова ва М. Ағдамовалар уруш қатнашчиси бўлган беморга аниқ муолажа қўйиш ҳақида фикр алмашмоқдалар.

Д. АҲМЕДОВ олган сурат.

МУЛК ЭГАСИНИ ТОПДИ

Бухоро тикувчилик фабрикасининг “Нигора” ҳиссадорлик жамиятига айлантирилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Ўтган қисқа давр ичида сидқидил меҳнат, самарали изланиш туфайли яхши натижаларга эришилди. Чунки мулк эгасини топган эди. Бугунги кунда корхона цехлари Венгрия, Япония, Чехия ва Олмонияда ишлаб чиқарилган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Ўзаро шартнома асосида Россия, Қозоғистон, Қирғизистон каби ҳамдўстлик мамлакатларидан хомашё ва материаллар олиб турилибди.

Корхонада тайёрланаётган маҳсулотларга талаб катта. Шу боисдан иш икки сменада ташкил этилган. Бир кунда 4 минг дона кийим-кечак тайёрланмоқда. Даромад ва манфаатдорлик ҳам шунга яраша буляпти.

Ишчи-хизматчиларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ютуқларни кўпайтиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этаётгани шубҳасиз.

Корхона бошланғич касаба уюшма ташкилоти ҳозирги иқтисодий тақчиллик шароитида ижтимоий муҳофаза масалаларига биринчи даражали вазифа деб қараяпти. Жорий йилнинг ўтган ойларида ишчи-хизматчиларга 200 минг сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилди. Ишга келиб кетиш бепул. Бунинг учун махсус автобус ажратилди. Ҳатто уйда ўтирган нафақахўрлар ҳам корхона ҳимматидан бенасиб қолишмаяпти. Буларнинг ҳаммаси маҳсулот ҳажми, тури ва сифатини оширишда муҳим омил бўлаётир.

Н. ТОШЕВ,
“Ишонч” мухбири.

“ГУЗАРБУЛОҚ” ДА ДАМ ОЛИНГ

Бўка шаҳри марказида кексалар талаби билан чойхона қурила бошлаганди. Маблағ етишмаслигидан қурилиш уч-тўрт йилдан буён чўзилаётганди. Туманда кўпчилик ҳурматини қозонган Абдувоҳид Мавлонов бинони сотиб олиб, ўз маблағи ҳисобига уни қуриб битказди. Чойхона ёнидаги кўҳна булоқнинг кўзи очилди. Кўпчилик дам олиш масканини, “Гузарбулоқ” деб атай бошлади.

Чойхонанинг очилишига бағишланган тантанада Тошкент вилояти ва туман раҳбарлари, барча жамоа хўжаликлари ва ташкилотларнинг вакиллари иштирок этдилар. Тантанада сўз олганлар савоб ишга қўл урган Абдувоҳид Мавлоновга ташаккур бирдиришди.

Чойхона очилишида таниқли хонанда ва созандалар — Хайрулла Лутфуллаев, Нуриддин Ҳайдаров, Қаҳрамон Дадаев ва бошқалар ёқимли куй ва қўшиқлар ижро этишиб, йиғилганларни хушнуд этишди. Шу куни “Гузарбулоқ” эшиклари кўпчиликка хизмат қилиш учун очилди.

Т. ҲАЙДАРОВ.

ОИЛА ЙИЛИДА ОИЛА ҚУРГАНЛАР

ОИЛА — қадим-қадимдан дунё халқлари орасида поклик, инсонийлик рамзи бўлиб келган. Шу ўтаётган йилимиз дунё халқлари орасида оила йили деб эълон қилинган ҳам бежиз эмас. Кузатаётган йилимизда эса, Ўзбекистонимиз қанчадан-қанча ёш оилаларни ўз бағрига олди, уларга Бахт, Шодлик, Қувонч тилади. Биз худди мана шу йилда оила қурган ёш келин-куёвларга қуйдаги саволлар билан мувожабат этдик?

1. Оила қургунга қадар уни қандай тасаввур қилар эдингиз?
2. Оила шароитида маънавий устун бўладими ёки иқтисодми?
3. Қайнона-келин муносабатлари ҳақида нима дея оласиз?
4. Орзуимдаги йигитга ёки қизга эришдим, деб ўйлайсизми?
5. Оила икки инсонни боғлайдиган энг катта нарса нимада деб ўйлайсиз?
6. Оила қуришда келин-куёв орасидаги масофа (яъни турли вилоятлардан бўлса) қандай роль ўйнайди.

7. Фарзандларингизга ўзингизники каби тақдирни раво кўрасизми?
Аскаржон ЖАЛИЛОВ, Қашқадарё вилояти, Шахрисабз шаҳридан, касби географ, Гуллола САФАРОВА, фармацевт:

1. Оила бу ўзи чуқур бир фарсафий тушунча ва олий туйғу. Мен оила қургунимча оилани — ўз ота-онамники каби тасаввур қилганман. Улар каби мукамал оила қуришни орзу қилганман. 2. Аввало, оила — оила бўлиши учун маънавий баркамоллик керак бўлади. 3. Қайнона ҳам келин ҳам ўз ўрнида бир-бирларини тушунишга ҳаракат қилиши керак. 4. Ҳа, орзуимдаги қизга эришдим, деб ўйлайман. 5. Инсонларни боғлайдиган нарса бу — Ишонч ва Муҳаббат. 6. Бундай вазиятга дуч келмадим. 7. Йўқ мен фарзандларимга ўзимникидан минг чандон устун тақдирни раво кўраман.

ГУЛЛОЛА: — 1. Оилани аввал ҳеч қандай тасаввур қилмаганман. 2. Оилада барибир иқтисод устун-да. 3. Қайнонамни ҳурмат қиламан. 4. Ҳа. 5. Бир-бирини тушуниш керак. 6. Йўқ.

Бахтиёр МАМАТҚУЛОВ, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, санъаткор, Наргис ДОВУРБОЕВА, филолог:

Наргис — 1. Аввал оилани ҳеч тасаввур қилмаганман. 2. Албатта иқтисод биринчи ўринда туради. Дейлик, шундай бир вазият бўлиб қолдики, катта миқдорда пул керак бўлиб қолди. Эр деган енингизда иложсиз елкасини қисиб турса... Бу албатта одамнинг қадрини тушириб қўйиши мумкин. Ейиши яхши бўлмаса, соғлиқ бўлмайди. Соғлиқ йўқолгач, оилада тинчлик бўлмайди. Оиланинг таназзули шунга ҳам боғлиқ. Йўқ, мен жуда катта бойлик ҳақида гапирмаётганим йўқ. Мана, масалан, эрингиз ҳар замонада, ҳеч бўлмаганда сизга биттагина бўлса-да, сақиб олиб келди, дейлик. Бу ҳам эътибор белгисида. 3. Қайнона келин, масхара келин, деган халқ иборасини севаман. 4. Бундан ортиги бўлмайди. 5. Меҳр, ҳурмат. 6. Муҳаббат масофа танламайди, оила танлайди. 7. Албатта.

Бахтиёр — Мен Наргиснинг фикрларига қўшиламан.
Отбек ПАРДАЕВ, Қарши шаҳридан, политехника университети талабаси, Насиба АБДУЛЛАЕВА, Сурхондарё вилояти, Бойсун туманидан, журналист:

Отбек — 1. Бўйнимга ола ҳуржун тушишини билар эдим (ҳазил). 2. Оилада маънавий устун бўлади, лекин иқтисоднинг ҳам ўрни муҳим. 3. Бу ҳақда ўйлаб кўрмаман. 4. Ҳа, орзуимдаги қизга эришдим! 5. Эр-хотинни боғлайдиган энг катта нарса Муҳаббат. 6. Оила қуришда масофа ҳеч қандай роль ўйнамайди. Йўл узок бўлсада дил яқин бўлсин, деган гўзал ибора борку! 7. Билмадим, бу ҳақда бирор нарса дея олмайман. Қандай бўлса ҳам порлоқ келажакли бўлишини истайман.

НАСИБА — 1. Тўғриси, ўз оиламни тасаввур қилиб кўрмаган эканман. 2. Иккаласи ҳам муҳим. Улар бир-бирларини тўлдириб туради. 3. Қайнона ва келин бир-бирларининг сирдошлари бўлиши керак. 4. Ҳа. 5. Энг аввало Муҳаббат, сўнг фарзандлар... 6. Қалб яқинлиги муҳим. 7. Ҳа.

Аҳмад ҲАСАНОВ, Жиззах шаҳри, шифокор, Наргис ҚОСИМОВА, аспирант:

Аҳмад — Мен биринчи саволга жавоб беришни маъқул топдим. Ҳаёт гўёки бир катта уммон, оила эса унда сузиб кетаётган кичик бир қайиқча, деб ўйлайман ва ўйлаганман. Бу қайиқнинг сузиб кетаётганига хали ҳеч қанча бўлганича йўқ. Унга ҳар қандай тўсиқ тоғдек, шабада бўрондек бўлиб кўринади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай тасодифлар бўлиши мумкин.

НАРГИС — 1. Албатта, мавжуд оилаларнинг ижобий томонларини муҳасамалаштирган ҳолда, энг аввало бўлажак турмуш ўртоғимнинг мени тушунадиган инсон бўлишини истайман. 2. Менимча, иккаласини ҳам тарозининг икки палласига қўйиш керак. Аммо руҳий баркамоллик, маънавий қудрат, ақл ва ирода кўпроқ тош босиши аниқ. 3. Шу вақтгача қайнона-келин можаролари ҳақида кўп эшитганман. Худога шукрки, мен келин бўлиб келган хонадон бекаси оқила, тadbиркор аёл эканлар. У кишини фахр билан иккинчи онам десам арзийди. Улар доимо зарур маслаҳатларини аямайдилар. Қани, энди, ҳамма қайноналар ҳам шу аелдек бўлса. 4. Турмуш қурганимизга хали кўп бўлгани йўқ. Машойихларимиз бир дўстингни умрининг давомида ўрганганимда ҳам унинг жумбоғини топа олмайсан, топиб ҳам бўлмайди, топсанг унинг қизиги қолмайди, деб бекорга айтишмаган. Бу егини ҳаётнинг ўзи кўрсатади. 5. Менимча илохий уч сони. Бу ерда ҳам мавжуд. Севги, ишонч, раққ. 6. Билмадим. 7. Ҳар бир инсон пешонасига езилганини кўради. Мен тақдиримдан нолимайман. Фарзандлар доимо ўз орзу-ўйларига эришиб, биздан минг чандон яхшироқ ҳаёт кечиряларини истайман.

Ёшлар билан ЗЕБО АХРОРОВА суҳбатлашди.

Сиз келдингиз...

Мен кутган ва кутмаган онда. Боқинингизда қандайдир жон олғувчи ҳазинлик бор эди. Бу шундай ҳазинлик эдики, ҳаёт алдовларидан чарчаган Иқдор бўйлаб турарди. Кўз гирдини ўраб олган сипоҳийлар ўзларига дахлдор бу оламга ҳеч кимни қўйишни истамас, уни бу оламдан қизғонар ва шу сабабки беозор бу қопқаларни бот-бот епиб турар эди.

Мен шу оламга ошуфта бўлиб қолдим... Гирдо-гирди халқобланиб кўнглима дамодам сув пуркаётган бу оламдан менинг қалбима ваҳий келди: дарбозалар қабзаси ланг очилиб, ундан нимадир юракни топтаб қочиб кетди. Шу сабабми, энди юрагим унинг дупурига монанд тез-тез дукурлаб қўяди. Очқабзалар очқлигича қолди, бегона нигоҳлардан яшириш учун уларни ҳарчанд ёпишга уриндим, бўлмади. У кетар чоғида қабзаларнинг зулфинларини ҳам пайхон этиб кетган экан.

Кетган кетди, қайтмади, бироқ кутдим. Қайтари бўлмади. Шунда мен уни бир умр йўқотганимни пайқаб қолдим.

Сипоҳийлар ҳамон гирдо-гирди халқобланиб, мавжланиб турган оламни бу оламдан қизғонар, янада шаҳд билан қопқаларни очиб епар, аммо у оламни бу оламдан узиб қўймоқликка журъатлари етмасди чоғи, уни зулфинлай олмасдилар.

Кетган тўғри сипоҳларга қараб югурди. Минг бир машаққатлар билан уларнинг қиличини синдирди, сипоҳлар таслим бўлдилар. Қопқалар кўнглим дарбозалари янглигланг очилиб қолди.

Кетган кетди, қайтмади. Бироқ кутдим, қайтари бўлмади.

Мен уни бу олам ва у оламнинг чегараси бўлмиш кўзлар қирғоғида кўриб қолдим. У ўз ғалабасидан сармаст эди, голиб эди, музаффар эди.

Мен кўрқиб, титраб кетдим, чунки у оламдан кетди, чунки у оламдан кетди, чунки у оламдан кетди. У мангулик қаршида турарди. Мангуликке-чеку чегараси йўқ. Мен ожиз банд умр бўйи интихосизликдан кўрқиб яшардим.

Мен ҳаётни севардим ва бу ҳаётда ҳар неки мавжуд чеку-чегараси борлигига инонардим.

Мен уни қайтармоқ учун уз-о-о-оқ эландим. Афсус, у мени тингламади ҳам. Товушим тўлқинига титраб кетган мавжлар бир тошиб, қирғоқдагини ўз домига тортиб кетди.

Илтижо этдим, илтижоим ижобат бўлмади. У алданди, ёмон алданди. У қалб эмас, ногоҳлар оламига чўкиб кетди. Энди у қалбда эмас, нигоҳларда яшайди.

Кетган кетди, қайтмади. Бироқ... Кутдим... Қайтари бўлмади...

Сиз келдингиз...

Наргис ДОВУРБОЕВА.

МУҲАББАТНИНГ ТУҒИЛИШИ

(Бади)

бу оламга қайтар йўллар йўқ эди. У мангулик қаршида турарди. Мангуликке-чеку чегараси йўқ. Мен ожиз банд умр бўйи интихосизликдан кўрқиб яшардим.

Мен ҳаётни севардим ва бу ҳаётда ҳар неки мавжуд чеку-чегараси борлигига инонардим.

Мен уни қайтармоқ учун уз-о-о-оқ эландим. Афсус, у мени тингламади ҳам. Товушим тўлқинига титраб кетган мавжлар бир тошиб, қирғоқдагини ўз домига тортиб кетди.

Илтижо этдим, илтижоим ижобат бўлмади. У алданди, ёмон алданди. У қалб эмас, ногоҳлар оламига чўкиб кетди. Энди у қалбда эмас, нигоҳларда яшайди.

Кетган кетди, қайтмади. Бироқ... Кутдим... Қайтари бўлмади...

Сиз келдингиз...

Наргис ДОВУРБОЕВА.



МАНҒИТДАГИ МАРИЯ ЛОПЕСЛАР

ИНСОН учун энг гўзал, энг қудратли нарса унинг ҳаётидир. Ҳаёт эса ҳар томонлама муттасил меҳнат билан барқарордир. Ҳар ким ўз ҳаётини тинимсиз меҳнати билан қуради ва уни фақат бахт деб аталмиш қимматбахо тош билан безашга интилади. Инсон ўзининг мўъжазгина умри давомида кўп нарсаларни кашф қилиб ҳаётга тadbир қилиб келган.

Алахусус, бу сафар қадимий ажодларимизнинг кашфийларидан бири бўлмиш, бугунги кунда анча ривожланиб камолот чўққисига эришган тикувчилик санъати ва унинг соҳиблари тўғрисида сўз юритмоқчимиз.

Қадим-қадимда момоларимиз кийим тикиш учун ишлатган интихос ва бақуввот суяклар, эндиликда керакли мурватни босса ўзи ҳаракланиб бирпасда кийим тикиб ташлайдиган пўлат нилаларга айланди. Бу албатта, тинимсиз меҳнатнинг маҳсулидир.

Шаҳримиз қизлари, аёллари кийиб юрган кийимларни кўрсангиз ҳавасингиз келади. Қайси бирини тўхташиб кийимини қаерда тиктирганини сўрасангиз, шаҳардаги "Гулнора" машиш хизмат кўрсатиш уйининг тикувчилик цехида, деган жавобни оласиз. Ҳам қувонасиз, ҳам ажабланасиз. Чунки, олдинлари аёлларимиз шу корхона тикувчиларидан кўра хусусий кийим тикувчиларга буюртма беришни афзал деб билардилар. Одамларнинг тикувчилик корхонасига буюртма бера бошлагани улар иш фаолиятининг яхшиланганидан далолат беради.

Тўғри айтасиз, олдинлари бу ерга камдан-кам одам буюртма берарди. Тикувчилар ҳам ишларига бефарқ қарашарди. Ҳозир аҳвол ўзгарди. Мудиримиз Қундуз ака Қутлимуродов янги хўжалик юритиш механизми бўйича иш олиб бораётгани сабабли биз чиқараётган маҳсулотлар сифати анча яхшиланган. Ишлар кўлами кенгайтирилиб, смена билан ишлаш жорий қилинган. Ҳамма ўз ишига эътибор билан қарайди. Айниқса, корхонамизга янги-янги ёшларнинг келиб қўшилиши қувончли ҳол бўлмоқда. Улар ҳам қизиқувчан, ғайратли, уздабурон ёшлардир. Шуларнинг натижасида корхонамиз обрўси анча ошди, — дейди суҳбат чоғида корхонанинг уста тикувчиси Нигора Ўрзобоева.

— Ҳақиқатдан тиккан нарсаларимиз буюртмачиларга ниҳоятда манзур бўлмоқда. Биз ҳозир нафақат аёллар кийими, балки, ўғил болалар кўйлақларини ҳам тикияпмиз. Устоз тикувчилардан Гулнора Давлетова, Гулистон Қутлимуродова, Жонигул Ўрозоқовалар олдиндан ҳеч қачон буюртмачилар аримайди, — дея суҳбатга қўшилади тикувчи Дилфуза Бобоқонова.

Нигора ҳам, Дилфуза ҳам моҳир тикувчилар. Уларнинг ўз шогирдлари, мижозлари бор. Нигора бешта шогирдга усталлик қилмоқда. У ёшлигидан тикувчиликка қизиқади. Тўрт йилдан бери эса ўзи севган соҳа-тикувчиликда хизмат қилиб келмоқда.

— Шогирдларим ичидан Муқаддас анча тузук. Иш бошлаганига икки ой бўлмасдан ўз мижозларига эга бўла бошлади.

Нигора опа гапининг исботи сифатида Муқаддас тиккан кўйлақларни кўрсатди. У тиккан бетакрор чоклар мустаҳкам, кийимнинг андозаси ҳам ушбичим ва бежирим эди.

Ҳамма одамлар ҳам буюк иш қилишлари шарт эмас. Кўпинча оддий ишнинг ўзи ҳам элнинг олқишига сазовор бўлиши мумкин. Ажабмаским, келажакда мазкур корхона қизларидан Мария Лопеслар етишиб чиқса...

Озода ХУДОЙБЕРГАНОВА,
Қорақалпоғистон.

Менинг йўлимдир бўстон,
Чор атрофда бормикин.
Йўғламасин ҳеч қачон
Юракдаги севгимин.
Йўллари нурли бўлсин,
Тўнлари бўлсин ойдин.

Кўзак менга тўхта эт
Хазон, ҳижрон боғларин
Юзларига зухр эт
Ёрнинг юрак доғларин.
Йўллари нурли бўлсин,
Тўнлари бўлсин ойдин.
Ёрим, тўйинг ёт мейга
Ҳижрон, ўйинг тот менга
Ҳазот тутқазсин ўшанга
Ҳаёти барбод менга.
Йўллари нурли бўлсин,
Тўнлари бўлсин ойдин.

Холиёр АБДИЕВ,
Талаба.

Бир кунлар келадур
Бир кунин
Тўнлар тўкилади киприқларингга
Кўзларингга қўйиб уйқунин

Тушларингга ўзим
кираман
Бир тонглар отадир
Бир тонг...
Йиллар сизгинади
лаҳзаларимга.

ДИЛБАР ОЙ.



ШАҲРИСАБЗДА ОЙНАИ ЖАҲОН!

Мустақил Ўзбекистонимизнинг уч йиллиги ша-рофати билан шаҳрисабзликлар яна бир қувончли совгага эга бўлдилар. Шаҳрисабз аҳли ҳам энди ўз кўрсатувларига эга.

Ойнаи жаҳондан Яккабоғ, Чирокчи, Китоб ту-манлари аҳолиси ҳам бемалол бахраманд бўлаверади.

Кўрсатувлар ҳафтанинг душанба, чоршанба ҳам-

да жума кунлари икки ярим соатдан давом этади. Танти шаҳрисабзликлар ҳам энди бемалол студия-ларнинг ахбороти, адабий-бадиий, болалар ва ўсмирлар учун, кино-кўрсатувларини томоша қиладилар. Шаҳар аҳли ҳаётда рўй берадиган ҳар қандай воқеа-ҳодисалар, ютуқ ва камчиликлар ўз вақтида ойнаи жаҳонда ўз аксини топади.

Муҳайё ҚОСИМОВА,
III курс, журфак.

ЯНВАРЬ

2 ДУШАНБА

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Шейрий дақиқалар. 18.20 "Меҳр қолур, муҳаббат қолур". Концерт. 18.55 Ёлонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёлонлар. 19.25 ЎзТВ экранида биринчи марта. "Қизқичи" ("Ўзбектелефильм"). 20.05 "Ер истаб". Муסיқий лавҳа. 20.10 Оқшом эртақлари. 20.25 Ёлонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Ёлонлар. 21.00 Ю. Ражабий номидаги мақом ансамблининг хонандаси Бекназар Дўстмуродов куйлайди. 21.50 Телетомошабинларнинг таллабларига биноан. Тоҳир Малик. "Сўнгги ўқ". Видеофильм. 1-қисм. 22.50 - 23.15 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради: 18.30 Болалар учун. "Полопон". 18.55 - 21.25 Адабий-бадий видеоканалнинг янги йил сони. 21.25 - 22.55 "Мимино". Бадий фильм.

ЎзТВ III

18.10 - 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мульткарусель". 19.50 "Қишқи ўйинлар". Телефильм.

ЎМАД таништиради:

20.25 "Совға". 20.55 "Янги йил муסיқий калейдоскопи". 21.25 Ёлонлар. 21.30 "Мода, мода...". Жаҳон модельерларининг тухфаси. 21.45 Ёлонлар. 21.50 Видео - "О". 23.20 Ёлонлар. 23.25 "Курьер". 23.40 "...Яна об-ҳаво ҳақида". 23.50 - 24.00 "Постфактум".

ЎСТАНКИНО ТЕЛЕКАНАЛИ

17.35 "Ўшангача ва ундан сўнг...". Кўрсатуви В. Молчанов олиб боради. 18.35 "КВН - 94". Финал. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 "Время". 21.40 А. И. Солженицин билан учрашув. 22.00 - 23.15 "Отaxon ва хоним". Бадий фильм (Россия).

3 СЕШАНБА

ЎзТВ I

7.00 - 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Олти жаҳонгашта". Бадий фильм. 10.05 Немис тили. 10.25 "Ислоҳот одимлари". 10.50 Болалар учун. "Янги йил севинчлари". 11.30 "Ешлик" студияси. "Учрашув". 12.15 "Қўшиқ рақсга уланса". 12.45 - 13.15 "Кафолат".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Болалар учун. "Арча қўшиғи". 18.30 "Мамлакатлар, одамлар, урф-одатлар". 18.55 Ёлонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёлонлар. 19.25 Санъат усталарининг концерти. 20.10 Оқшом эртақлари. 20.25 Ёлонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Ўзбекистон. Истиклол чашмалари". Фильм-концерт. 21.35 Тоҳир Малик. "Сўнгги ўқ". Видеофильм. 2-қисм. 22.35 - 23.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради: 18.30 "Мультфейерверк". 19.15 "Хусусийлаштириш: қадам - бақадам". 19.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёлонлар. 20.00 Видеоид. 20.20 "Теле-ателье-шоу". 20.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёлонлар. 21.10 - 22.50 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.10 - 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мульткарусель".

19.50 "Замандас" (қозоқ тилида).

ЎМАД таништиради:

18.30 "Мультфейерверк". 19.15 "Хусусийлаштириш: қадам - бақадам". 19.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёлонлар. 20.00 Видеоид. 20.20 "Теле-ателье-шоу". 20.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёлонлар. 21.10 - 22.50 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.10 - 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мульткарусель".

ЎМАД таништиради:

18.30 "Мультфейерверк". 19.15 "Хусусийлаштириш: қадам - бақадам". 19.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёлонлар. 20.00 Видеоид. 20.20 "Теле-ателье-шоу". 20.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёлонлар. 21.10 - 22.50 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.10 - 19.40 Туркия телевидениеси.

нинг янгиликлари. 21.00 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари. 22.00 "Ўзбекистон - қадрдон уйимиз". Грузин миллий маданий маркази. 22.30 "Би-Би-Си" янгиликлари. 22.45 "Умид" (уйғур тилида). 23.15 "Айчурек" (қирғиз тилида). 23.45 - 24.00 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ 18.20 "50 йил муқаддам ушбу кунларда". 18.45 "Бўрилар мўъжизаси". Бадий фильм (Франция - Италия). 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 "Время". 21.40 "Париж - Гранада - Дакар" раллиси. 22.05 - 23.55 Дино Ризининг ретроспектив фильмлари. "Маъюс кўнгил" (Италия, 1976 й.).

4 ЧОРШАНБА

ЎзТВ I

7.00 - 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 Болалар учун фильм. "Фил йўқолди". 10.10 "Алифбо сабоқлари". 10.40 "Ватандин яхши ер бўлмас". Адабий кўрсатув. 11.05 Болалар учун. "Шодиёна". 11.25 "Фан ва ишлаб чиқариш". 11.55 "Давраимизга марҳабо". 12.25 - 13.10 "Ешлик" студияси. "Истеъдодларни излаймиз".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Бўй ўстирувчи дармон дори". Мультфильм. 18.15 "Оламни асран!". 18.45 Спорт хабарномаси. 18.55 Ёлонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёлонлар. 19.25 "Соз ва созанда". Ўткир Қодиров. 19.45 "Ўзбекистон фуқаросининг паспорти". 20.10 Оқшом эртақлари. 20.25 Ёлонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Ёлонлар. 21.00 Тоҳир Малик. "Сўнгги ўқ". Видеофильм. 3-қисм. 22.00 "Барҳаёт наволар". Шерзодий. 23.15 - 23.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

"Тошкент" студияси таништиради: 18.30 "Ўзим ҳақимда...". 19.00 "Бумеранг". 19.30 "Жонли тил". 20.30 "Муסיқий меҳмонхона". 21.30 "Халқ саломатлиги йўлида". 22.15 - 23.15 "Тошкент оқшомида".

18.10 - 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мульткарусель".

19.50 "Севги формуласи". Бадий фильм (рус тилида). 21.15 - 00.15 "ОМАД" таништиради: "Қитъа спорти".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ 6.30 - 8.50 "Тонг".

18.00 Эфирда - Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси. 18.45 "Ким аслида ким?" ХХ аср. Момо Тереза. 18.50 Янгиликлар. 19.00 "Тигиз пайт". 19.30 "Шаддод Роза". Телесериал (Мексика). 19.55 "Кино юдузи". Михаил Боярский. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 "Время". 21.40 "Монолог". 21.50 "Париж - Гранада - Дакар" раллиси. 22.10 - 23.35 "Омадли жентльменлар". Бадий фильм.

5 ПАЙШАНБА

ЎзТВ I

7.00 - 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 Болалар учун фильм. "Қуёш ҳаманда". 10.10 Инглиз тили. 10.40 "Хусусийлаштиришнинг янги йўналишлари". 11.10 Шифокор экрани. 11.40 Янги йил карнавали. 12.10 "Ешлик" студияси. "Ботма, қуёш!". 12.45 - 14.30 "Матрифат" видеоканали.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00

"Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Одобнома". 18.45 Манзарали фильм. 18.55 Ёлонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёлонлар. 19.25 "Аъналар этади давом...". Муסיқий кўрсатув. 20.10 Оқшом эртақлари. 20.25 Ёлонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Ёлонлар. 21.00 Бевосита мулоқот. 21.50 "Юнус Ражабий". Телефильм. 22.20 Тоҳир Малик. "Сўнгги ўқ". Видеофильм. 4-қисм. 23.20 - 23.45 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II "ОМАД" таништиради.

18.30 "Омад" тақвими. 18.35 "Жозибба". 18.55 "Бир шингил хангома". 19.05 "Муҳаббатга ошно қалблар". 19.25 Видео янгиликлари. 19.50 "Теле-ателье-шоу". 20.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёлонлар. 20.40 - 22.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III 18.10 - 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мульткарусель".

19.50 "Ешлик" студияси. "Ғазалхон ешлигим". 20.25 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 21.15 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари. 21.35 - 22.35 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ 6.30 - 8.50 "Тонг".

18.00 "...16 ешгача ва ундан катталар". 18.40 "Ким аслида ким?". ХХ аср. Сунь Ят Сен. 18.50 Янгиликлар. 19.00 "Тигиз пайт". 19.30 Мультфильм. 19.40 "Саҳнанинг нариги егида". В. Зельдин. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 "Время". 21.40 "Москва, Кремль". 22.05 - 23.15 "Сўнгги ташриф". Бадий фильм.

ЎзТВ II "ОМАД" таништиради:

9.00 "Мультфейерверк". 9.45 "Хусусийлаштириш: қадам - бақадам". 10.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёлонлар. 10.30 Видеоид. 10.50 "Теле-ателье-шоу". 11.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёлонлар. 11.40 "Кинонигоҳ". 13.20 "Омад" тақвими. 13.25 "Жозибба". 13.45 "Бир шингил хангома". 13.55 "Муҳаббатга ошно қалблар". 14.15 Видео янгиликлари. 14.40 "Теле-ателье-шоу". 14.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёлонлар. 15.30 - 17.00 "Кинонигоҳ".

"Тошкент" студияси таништиради: 18.30 Болалар учун. "Табассум". 19.10 "Коллекция". 19.30 "Пульс". Хабарлар. 19.45 "Осойишта бўлсин, хонандонингиз!". 20.45 - 22.15 "Кинематограф".

ЎзТВ III ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 10.00 "Дидар" (қозоқ тилида). 10.40 "Дўстлик сарҳад билмайди". 11.10 - 12.15 Болалар учун. "Васечкин ва Петровнинг саргузаштлари". Бадий фильм. 1-серия.

18.10 - 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мульткарусель".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 19.50 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 20.15 "Рангинкамон" (тожик тилида). 21.00 "Би-Си-Си" янгиликлари. 21.15 "Безнен мирас" (татар тилида). 22.05 "Нурафшон Рождество байрами". 22.25 "Бу ажиб дунё". 22.55 - 23.10 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ 18.00 "Ўшангача ва ундан сўнг...". Кўрсатуви В. Молчанов олиб боради. 18.55 "Сичков куёв". Бадий фильм. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 "Время". 21.45 - 22.30 "Театр + ТВ".

ЎзТВ I 7.00 - 9.00 "Ассалом,

22.30 "Даракчи". 22.45 Ёлонлар. 22.50 - 00.30 Видео - "О".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ 6.30 - 8.50 "Тонг".

18.00 "Инсон ва қонун". 18.30 "50 йил муқаддам ушбу кунларда". 18.50 Янгиликлар. 19.00 "Бомонд". 19.25 "Шаддод Роза". Телесериал. 19.50 "Мўъжизалар майдони". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 "Время". 21.40 - 23.00 "Нима? Қаерда? Қачон?"

7 ШАНБА

ЎзТВ I

7.00 - 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Тутқич бермас қасоскорлар". Бадий фильм. 1-серия. 10.15 "Қирқ хунар ҳам оз". 10.55 "Бахти қаро келин еки...". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 12.20 "Хуқуқингизни биласизми?". 12.35 "Ешлик" студияси. "Эъзоз". 13.20 - 15.20 "Санъат сеҳри". Муסיқий видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Уч қурбақа". Мультфильм. 18.10 "Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб". 18.45 Спорт хабарномаси. 18.55 Ёлонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёлонлар. 19.25 "Ижодий учрашувлар". Охунжон Ҳакимов. 20.10 Оқшом эртақлари. 20.25 Ёлонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Ёлонлар. 21.00 Тоҳир Малик. "Сўнгги ўқ". Видеофильм. 6-қисм. 21.55 "Тунги егду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II "ОМАД" таништиради:

9.00 "Мультфейерверк". 9.45 "Хусусийлаштириш: қадам - бақадам". 10.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёлонлар. 10.30 Видеоид. 10.50 "Теле-ателье-шоу". 11.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёлонлар. 11.40 "Кинонигоҳ". 13.20 "Омад" тақвими. 13.25 "Жозибба". 13.45 "Бир шингил хангома". 13.55 "Муҳаббатга ошно қалблар". 14.15 Видео янгиликлари. 14.40 "Теле-ателье-шоу". 14.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёлонлар. 15.30 - 17.00 "Кинонигоҳ".

"Тошкент" студияси таништиради: 18.30 Болалар учун. "Табассум". 19.10 "Коллекция". 19.30 "Пульс". Хабарлар. 19.45 "Осойишта бўлсин, хонандонингиз!". 20.45 - 22.15 "Кинематограф".

ЎзТВ III ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 10.00 "Дидар" (қозоқ тилида). 10.40 "Дўстлик сарҳад билмайди". 11.10 - 12.15 Болалар учун. "Васечкин ва Петровнинг саргузаштлари". Бадий фильм. 1-серия.

18.10 - 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мульткарусель".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 19.50 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 20.15 "Рангинкамон" (тожик тилида). 21.00 "Би-Си-Си" янгиликлари. 21.15 "Безнен мирас" (татар тилида). 22.05 "Нурафшон Рождество байрами". 22.25 "Бу ажиб дунё". 22.55 - 23.10 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ 18.00 "Ўшангача ва ундан сўнг...". Кўрсатуви В. Молчанов олиб боради. 18.55 "Сичков куёв". Бадий фильм. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 "Время". 21.45 - 22.30 "Театр + ТВ".

ЎзТВ I 7.00 - 9.00 "Ассалом,

Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Ўлкамизда қиш" ("Ўзбектелефильм"). 9.10 "Қўшиғим, жон қўшиғим". 10.00 "Ешлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан". 10.30 "Тутқич бермас қасоскорларнинг янги саргузаштлари". Бадий фильм. 2-серия. 11.45 "Шоҳруҳ" клуби. 12.15 "Циркда арча байрами". 13.15 "Санъатимиз фидойиси". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зокиржон Султонов. 13.50 - 14.50 "Сирли сандиқ". Телевизион ўйин.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Жасур чўпон бола". "Хурматталаб алвасти". Мультфильмлар. 18.20 "Қўғирчоқлар - менинг дўстларим". 18.55 Ёлонлар. 19.00 "Ҳафтанома" (рус тилида). 19.30 Ёлонлар. 19.35 "Ойнаи жаҳонда...". 19.55 Дам олиш концерти. 20.25 Ёлонлар. 20.30 "Ҳафтанома". 21.00 Ёлонлар. 21.05 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Юлдуз Усмонова концерти. 22.05 Тоҳир Малик. "Сўнгги ўқ". Видеофильм. 7-қисм. 23.05 - 23.35 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II "ОМАД" таништиради: 17.00 "Совға". 17.30 "4/8". Муסיқий кўрсатув. 17.50 Ёлонлар. 18.00 Видео - "О". 19.40 Ёлонлар. 19.50 "Курьер". 20.10 "Яна об-ҳаво ҳақида". 20.25 "Постфактум". 20.40 "Камалак". 21.00 Ёлонлар. 21.10 "Даракчи". 21.20 Ёлонлар. 21.30 - 23.10 Видео - "О".

ЎзТВ III ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 Хитой санъат усталарининг концерти. 10.40 "Ташрифлар ва таклифлар". 11.10 - 12.15 Болалар учун. "Васечкин ва Петровнинг саргузаштлари". Бадий фильм. 2-серия.

18.10 - 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мульткарусель".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 19.50 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 20.15 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари. 21.15 "Би-Би-Си" янгиликлари. 21.30 "Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда". 22.05 "Экосан". 22.35 "Бу ажиб дунё". 22.55 - 23.10 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ 18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.10 Шейрий саҳифалари. 18.30 "Миниатюра". 18.50 "Уолли қаерда?". "Питер Пуш". Мультфильмлар (АҚШ). 19.55 "Парижга қараган дераза". Бадий фильм. 22.00 - 22.50 "Якшанба".

18.10 - 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мульткарусель".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 19.50 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 20.15 "Рангинкамон" (тожик тилида). 21.00 "Би-Си-Си" янгиликлари. 21.15 "Безнен мирас" (татар тилида). 22.05 "Нурафшон Рождество байрами". 22.25 "Бу ажиб дунё". 22.55 - 23.10 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ 18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.10 Шейрий саҳифалари. 18.30 "Миниатюра". 18.50 "Уолли қаерда?". "Питер Пуш". Мультфильмлар (АҚШ). 19.55 "Парижга қараган дераза". Бадий фильм. 22.00 - 22.50 "Якшанба".

18.10 - 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мульткарусель".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 19.50 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 20.15 "Рангинкамон" (тожик тилида). 21.00 "Би-Си-Си" янгиликлари. 21.15 "Безнен мирас" (татар тилида). 22.05 "Нурафшон Рождество байрами". 22.25 "Бу ажиб дунё". 22.55 - 23.10 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ 18.00 "Ўшангача ва ундан сўнг...". Кўрсатуви В. Молчанов олиб боради. 18.55 "Сичков куёв". Бадий фильм. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 "Время". 21.45 - 22.30 "Театр + ТВ".

ЎзТВ I 7.00 - 9.00 "Ассалом,

Ўзбекистон энгил саноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси Марказий Қўмита котиби Р. А. Йўлдошевга отаси Абдумавлон Йўлдошевнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Наманган вилоятининг энгил саноат ходимлари касаба уюшмаси Қўмитаси Ўзбекистон энгил саноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг котиби Р. А. Йўлдошевга падари бузруквор Абдумавлон Йўлдошев

1995 йил

ЯНВАРЬ

Д	2	9	16	23	30
С	3	10	17	24	31
Ч	4	11	18	25	
П	5	12	19	26	
Ж	6	13	20	27	
Ш	7	14	21	28	
Я	1	8	15	22	29

ФЕВРАЛЬ

Д	6	13	20	27
С	7	14	21	28
Ч	1	8	15	22
П	2	9	16	23
Ж	3	10	17	24
Ш	4	11	18	25
Я	5	12	19	26

МАРТ

Д	6	13	20	27	
С	7	14	21	28	
Ч	1	8	15	22	29
П	2	9	16	23	30
Ж	3	10	17	24	31
Ш	4	11	18	25	
Я	5	12	19	26	

АПРЕЛЬ

Д	3	10	17	24	
С	4	11	18	25	
Ч	5	12	19	26	
П	6	13	20	27	
Ж	7	14	21	28	
Ш	1	8	15	22	29
Я	2	9	16	23	30

МАЙ

Д	1	8	15	22	29
С	2	9	16	23	30
Ч	3	10	17	24	31
П	4	11	18	25	
Ж	5	12	19	26	
Ш	6	13	20	27	
Я	7	14	21	28	

ИЮНЬ

Д	5	12	19	26	
С	6	13	20	27	
Ч	7	14	21	28	
П	1	8	15	22	29
Ж	2	9	16	23	30
Ш	3	10	17	24	
Я	4	11	18	25	

ИЮЛЬ

Д	3	10	17	24	31
С	4	11	18	25	
Ч	5	12	19	26	
П	6	13	20	27	
Ж	7	14	21	28	
Ш	1	8	15	22	29
Я	2	9	16	23	30

АВГУСТ

Д	7	14	21	28	
С	1	8	15	22	29
Ч	2	9	16	23	30
П	3	10	17	24	31
Ж	4	11	18	25	
Ш	5	12	19	26	
Я	6	13	20	27	

СЕНТЯБРЬ

Д	4	11	18	25	
С	5	12	19	26	
Ч	6	13	20	27	
П	7	14	21	28	
Ж	1	8	15	22	29
Ш	2	9	16	23	30
Я	3	10	17	24	

ОКТАБРЬ


Д	2	9	16	23	30
С	3	10	17	24	31
Ч	4	11	18	25	
П	5	12	19	26	
Ж	6	13	20	27	
Ш	7	14	21	28	
Я	1	8	15	22	29

НОЯБРЬ

Д	6	13	20	27	
С	7	14	21	28	
Ч	1	8	15	22	29
П	2	9	16	22	30
Ж	3	10	17	23	
Ш	4	11	18	24	
Я	5	12	19	25	

ДЕКАБРЬ

Д	4	11	18	25	
С	5	12	19	26	
Ч	6	13	20	27	
П	7	14	21	28	
Ж	1	8	15	22	29
Ш	2	9	16	23	30
Я	3	10	17	24	31



МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН
КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИ
КЕНГАШИ

Бош муҳаррир

Сандакром САИДВАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал АҚРОМОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Рустам АБДУРАЗЗОҚОВ,
Абдуманноп АЛИМБ ОЕВ,
Дилбар ЖАҲОНГИРОВА,
Турғунбой МАДИЁРОВ,
Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб),
Муҳаммаджон ОТАҚУЛОВ,
Муҳайё ТўЛАГАНОВА,
Раъно УБ АЙДУЛЛАЕВА,
Баҳодир УМУРЗОҚОВ,
Тўлқин ҚОЗОҚБ ОЕВ.



• Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36
• Бош муҳаррир муовини — 56-52-89
• Масъул котиб 56-52-78


БЎЛИМЛАР

• Қасаба уюшмалари ва мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79
• Социал адолат, иқтисодий ҳаёт, маданият, маънавият ва хатлар — 56-87-78, 56-87-63
• Ишлаб чиқариш ва ҳўжалик — 56-85-43

• ВИЛОЯТЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Андижонда — 5-23-10
Бухорода — 3-50-10
Гулистонда — 2-24-98
Жиззахда — 2-31-41
Навоийда — 3-52-99
Наманганда — 6-22-10
Нукусда — 2-44-46
Самарқандда — 35-64-22
Термизда — 2-70-07
Тошкентда — 56-82-79
Фарғонада — 4-28-29
Урганчда — 6-03-40
Қаршида — 5-33-71

• Муҳарририятга келган кўлэмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Тахририят воситачилик қилмайди. Мақола-лардаги ҳамда реклама ва эълонлардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар ҳамда реклама ва эълон берувчилар зиммасидадир.



• Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.

• СОТУВДА эркин нархда.

• Шанба кунлари чиқади.

• Босишга топшириш вақти — 19.00. Топширилди — 19.00

• Навбатчи масъуллар:

Турғун НАЗАРОВ,

Сандазим ШАРОФХОНОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри,
«Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

• 69639 нусхада босилди.

• Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.

• Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Матбуот Давлат кўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.

• IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

• «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни.